Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 138 (5729).
18 ИЮНЬ 1985 й.
СЕШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ИЛҲОМБАХШ МЕҲНАТИМИЗ — КОММУНИСТЛАР АНЖУМАНИГА

ВАҚТДАН ЎЗГАНЛАР

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бичувчиси Полина Семеновна Новосельцева икки шахсий бет йиллик планини бажарди.

Полина Семёновна бирлашмада деярли 20 йилдан буён ишламоқда. Шу вақт ичида коллективда обрў-эътибор қозониб, корхонанинг энг яхши ходимлари сафидан жой олди. У учта ихтисосликни эгаллаб олган: тахловчи, чизувчи ва бичувчи ишларини мукаммал бажаради. Бу эса қўшимча равишда газламаларни бичишгагина эмас, бўш вақтларида П. Новосельцеванинг ўз дўстларига ёрдам кўрсатишига ҳам имкон бермоқда.

Уни тахлаш столи ёнида тез-тез кўриш мумкин: касбдошлари билан биргаликда газламанинг навбатдаги туркумини комплектлайди. Полина Семёновна чизувчи ўрнини ҳам эгаллаши мумкин: бўлажак буюмлар деталлари қирқиладиган шаблон-андазани моҳирлик билан жойлаштиради. Буларнинг ҳаммаси икки кишининг ишини қилиш, яъни ҳар куни нормани 200 процент бажариш имконини бермоқда.

Шу билан бирга иш ҳамиша сифатли бажарилади. Бўлажак костюмлар, пиджак, шимларнинг яхши чиқиши биринчи навбатда бичувчига боғлиқлигини Новосельцева яхши билади. Бичишда хатога йўл қўйилса, ўнлаб метр газлама исроф бўлади.

Бирлашмада Полина Семёновнанинг издошлари кўп. У билан бирга Л. Халилова, Г. Закритная, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Ф. Полтаева «Беш йилликда ўн йиллик топшириқни бажариш учун» шиори остида меҳнат қилмоқдалар. Меҳнат рақобати, бир-бирининг тажрибасидан моҳирлик билан фойдаланиш уларга шундай имкон бермоқдаки, сўзлари билан ишлари ҳамиша бир хил бўлмоқда. Зарбдорлардан намуна олиб, бутун корхона коллективи йил бошидан буён планга қўшимча равишда деярли 1 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Бу социалистик мажбуриятда кўзда тутилгандан 300 минг сўмлик кўпдир.

(ЎзТАГ).



МАВЖУД РЕЗЕРВЛАРДАН ФОЙДАЛАНИБ

В. Ивановнинг тажриба-механика экскаватор ремонти заводида ишлаётганига 16 йилдан ошди. Ўтган вақт ичида у ўз ихтисослигини пухта ўзлаштириб олди, ҳозир мотор цехининг энг моҳир токарларидан бири ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш илғори ҳамкасблари қатори КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун ўз зиммасига оширилган мажбуриятлар қабул қилди. Ана шу мажбурият бандларидан бирида мавжуд резервлардан фойдаланиб, меҳнат унумдорлигини сезиларли даражада ошириш кўзда тутилган. В. Иванов аҳдига вафо қилаяпти: смена топшириқларини 130—140 процентга етказиб адо этмоқда. Маҳсулот сифати ҳам яхши, контролёрлардан эътирозлар йўқ.

Коммунистлар анжуманига бағишланган навбатдаги ўн кунликни меҳнат зарбдори муддатидан илгари адо этди.

СУРАТДА: В. Иванов.

М. Нуриддинов фотоси.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

Сессия бошланишидан олдин халқ депутатлари область Совети партия группасининг мажлиси бўлди.

Мажлисни Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари Т. А. Алимов олиб борди.

Мажлисда область Советининг депутатлари — коммунистлар А. К. Керимов ва К. Р. Дўсбоевалариинг гражданларни қабул қилишни уюштириш ва ўтказиш, сайловчиларнинг таклифлари, илтимослари ва аризаларини амалга ошириш ҳақидаги ҳисоботлари муҳокама қилинди.

Муҳокама қилинган масала юзасидан қарор қабул қилинди.

Партия группасининг кейинги мажлисида коммунист — депутат Б. Д. Эргашевнинг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Республика аҳолисига савдо хизмати кўрсатишни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори асосида у томонидан савдо ва умумий овқатланиш доимий комиссияси аъзоларининг куч-ғайратини область меҳнаткашларига савдо хизмати кўрсатиш аҳволи устидан назоратни яхшилаш бўйича амалга ошираётган ишлари тўғрисидаги ҳисоботини тинглаш назарда тутилди.

* * *

XIX чақириқ халқ депутатлари Тошкент область Советининг кеча бўлиб ўтган иккинчи сессияси «Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIX пленуми талаблари асосида кадрларнинг активлигини ва топширилган иш участкаси учун масъулиятини ошириш бўйича область халқ депутатлари маҳаллий Советларининг вазифалари тўғрисида»ги масалани муҳокама қилди. Область ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари А. Ф. Клепиков шу масала юзасидан доклад қилди.

Сессияда область Советининг депутати, Янгийўл районидаги Ленин номли колхоз раиси Н. Авазов депутатлик вазифаларини, совет ва унинг органлари қарорлари ва топшириқларини бажариши ҳақида ахборот берди.

XIX чақириқ халқ депутатлари область Совети депутатларига сайловчилар томонидан берилган наказларни бажариш бўйича тадбирлар тасдиқланди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

Сессияда ташкилий масалалар кўрилди.

Сессия В. А. Плотников Ўзбекистон ССР халқ контроли комитети раисининг ўринбосари қилиб сайланганлиги муносабати билан уни халқ депутатлари область Совети ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари вазифасидан озод қилди.

Халқ депутатлари область Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари вазифасини бажариш В. И. Колибердинга топширилди.

Сессия А. А. Умаров Тошкент шаҳар ижроия комитети архитектура-планлаштириш Бош бошқармаси бошлиғи этиб тайинланганлиги муносабати билан уни область ижроия комитетининг қурилиш ва архитектура ишлари бўйича бўлими мудири қилиб Б. Ф. Олимжонов тасдиқланди.

Сессия ишида Ўзбекистон ССР Олий Совети Советлар иши бўйича бўлим мудири М. Т. Тешабоев ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ишлар бошқармаси ташкилий-инструкторлик бўлимининг мудири А. И. Шчербаков қатнашдилар.

• *Сўз — ташаббускорларга*

УСКУНАЛАРНИ ТЎЛА ҚУВВАТДА ИШЛАТИБ



В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси фрезерчилар бригадаси бошлиғи И. М. Басанец республиканинг 18 илғор ишчиси қаторида КПСС XXVII съездини йиғирма етти зарбдор ўн кунлик билан нишонлаш ташаббуси билан чиқди. Новаторнинг ташаббуси корхонада кенг қўллаб-қувватланди. Минглаб ишчилар партия анжуманн шарафига оширилган социалистик мажбуриятлар олишдн ва уларни съездолди зарбдор ўн кунликларда муваффақиятли амалга оширишаяпти.

Бугун биз фрезерчилар бригадаси бошлиғи, СССР Давлат мукофоти лауреати И. М. БАСАНЕЦга сўз берамиз.

— Биз партия XXVII съездини муносиб кутиб олиш бўйича юксак мажбуриятлар олиб, бу режаларни қандай амалга ошириш тўғрисида чуқур ва атрофлича ўйладик. Коллективимиз асосан ёшлардан иборат. Иш стажлари катта эмас. Шу боисдан ишни бригаданинг ҳар бир аъзоси бутун смена мобайнида банд бўлишини, вақтни бой бермаслигини эътиборга олиб ташкил этишга қарор қилдик. Айниқса ускуналардан, бутун станоклар паркидан омилкорлик билан фойдаланишга алоҳида аҳамият бердик.

Бу нима деган сўз? Биринчи навбатда деталларни фрезерлагандан (деталлар эса кўп миқдорда ва турли хил) кейин ишлов бериш учун жуда оз иш қолдирдик. Наинки, слесарлар группаси катта эмас, ишчиларга бутун маҳсулотни қўлдан ўтказиш қийин бўлади. Слесарлик ишларига Виктор Басанец — менинг ўғлим бошчилик қилади. У билан ёш ишчилар ишлайди. Ўғлим уларга бир пайтнинг ўзида ҳам касб ўргатади, ҳам ишлаб чиқариш топшириғини белгилаган муддатда бажаришга интилади.

Биз станоксозлар ўз томонимиздан деталлар сифатига алоҳида эътибор бериб уларга ишлов бериш технологиясига қатъий амал қиляпмиз. Кейин овора бўлиб қайта-қайта ишлаб юргандан, брак қилгандан, бир марта яхши ишлаган аъло. Сменада топшириқ бераётганимдан мен ишчиларнинг малакаси, маҳорати, техник билими, станокнинг имкониятларини ҳисобга оламан. Ишга мана шундай ўйлаб ёндошиш туфайли ишлаб чиқаришда брakка йўл қўймаяпмиз. Ешларни тўғри йўналтириш ва яхши меҳнат муҳитини юзага келтиришнинг ҳам аҳамияти катта бўляпти. Ишдаги уюшқоқлик, ўзаро бир-бирини тушуниш ва ёрдам қўл келмоқда.

Табиийки, самолётсозликда маҳсулотлар янгиланиб туради, конструктив ўзгаришлар киритилади. Шу сабабли янги деталлар келади. Янги номенклатурани ўзгартиришни мен ўз зиммамга оламан. Кўп йиллик ишлаб чиқариш тажрибаси бу ишни тез ва соз бажариш имконини беради. Ўзлаштириш мобайнида турли мосламалардан фойдаланиш масалаларини ҳам, уларни буюртириш, мураккаб бўлмаса ўзимизда тайёрлаш масалаларини ҳам ўйлайман. Фақат шундан сўнг бу ишни ёш ишчига топшираман. Айни пайтда унга ўргатаман, ишлов беришнинг ўз усулини таклиф этиш, ишга ижодий ёндошиш имкониятини бераман. Эътибор, қўллаб-қувватлаш, ишончнинг аҳамияти катта. Ёш лар тезда ишга берилишади. Қандай бўлмасин ишончни оқлаб, топшириқни ўз муддатида, сифатли қилиб бажаришга интилишади.

Бригаданинг касаба союз ташкилотчиси Эдуард Бойко, Равиль Жалилов, Лев Тен, Талъат Қўчқоров, Рамиз Тожиев масъулиятли вазифаларни аъло даражада уддалашади. Станоклар, иш жойлари, асбобларни яхши ҳолатда сақлашади.

Коллективимиз беш йил аввал ишнинг бригада методини жорий этди. Бунда меҳнатнинг пировард натижасига қараб ва меҳнатдаги иштироки коэффициентини жорий этиб ҳақ тўланади. Янги форма янги талаблар қўяди. Масалан, ўхшаш касбларни ўргатиш зарурати туғилди. Станоксозларимиз энди ликда исталган пайтда бир-бирининг ўрнида ишлай олишади. слесарлик участкасида ҳам муваффақиятли меҳнат қила олишади. Ишлаб чиқариш жараёнида ҳеч сўзсиз бундай алмашувларга зарурат бўлади. Техникадан, машина вақтидан тўла фойдаланишга интилиб, шу асосда қўл меҳнатини камайтирамиз, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев КПСС Марказий Комитетидаги фан-техника тараққиётини жадаллаштириш масалаларига бағишланган кенгашда сўзлаган нутқида бунда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг муҳим омилларидан бирини кўрди.

«КПСС XXVII съездига — йигирма етти зарбдор ўн кунлик!» шиори остидаги вахтада бригадамиз қуйидаги оширилган мажбуриятларни олди: меҳнат унумдорлиги планга қўшимча 2,6 процент ўстирилади, қўшимча яна бир кун тежалган материаллар ва электр қуввати билан ишланади. Келаси йилнинг биринчи квартали планини КПСС XXVII съезди очиладиган кунга қадар бажарилади.

Биринчи ўн кунлик натижалари белгиланган вазифалар албатта бажарилишидан далолат беряпти.

М. С. ГОРБАЧЕВ А. ХАММЕР БИЛАН СУҲБАТЛАШДИ

17 июнь куни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев АҚШ савдо-саноат доираларининг таниқли намояндаси — «Оксидентал петролеум корпорейшн» компаниясининг президенти ва директорлар кенгашининг раиси Арманд Хаммерни қабул қилди. Суҳбат чоғида ўзаро манфаатли Совет — Америка иқтисодий алоқаларини ривожлантиришнинг эҳтимол тутилган йўллари муҳокама қилинди, бу алоқаларни амалга оширишда А. Хаммер бошчилигидаги компания актив қатнашмоқда.

М. С. Горбачев В. И. Ленининг 1921 йилда ёзган хати асл нусхасини Совет Иттифоқига совға қилиб топширганлиги учун А. Хаммерга самимий миннатдорчилик билдирди. (ТАСС).

ПАРТИЯНИНГ АТОҚЛИ АРБОБИГА БЮСТ ЎРНАТИЛДИ

НАГУТСКАЯ (Ставрополь ўлкаси), 15 июнь. (ТАСС). Бугун Ставрополь ўлкасининг Нагутская темир йўл станциясида Ю. В. Андроповнинг бронзадан ясалган бюсти тантанали равишда очилди. Бюст КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг Коммунистик партия билан Совет давлати, жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг атоқли арбоби, содиқ ленинчи, тинчлик ва коммунизм учун оташин курашчи хотирасини абадийлаштириш тўғрисидаги қарорига мувофиқ ўрнатилди.

Ю. В. Андропов Нагутскаяда туғилиб ўсган. Унинг бронза бюсти очилишига бағишланиб ўтказилган меҳнаткашлар митингида КПСС Ставрополь ўлка комитетининг биринчи секретари В. С. Мураховский, Андропов райони партия, уруш ва меҳнат ветеранлари советининг раиси В. И. Синанов, Минеральные води локомотив депосининг машинисти А. Н. Подойма, Курсавскдаги ўрта мактаб муаллимаси, ўқитувчилар комсомол ташкилотининг секретари Е. В. Зелявская, «Нагутский» совхозининг директори В. Д. Запорожецлар сўзга чиқдилар.

монгги газеталарда

● КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг таклифига биноан ВКП Марказий Комитети Бош секретари Ле Зуан бошчилигидаги Вьетнам Социалистик Республикасининг партия-ҳукумат делегацияси 1985 йил июнь ойининг иккинчи ярмида расмий дўстлик визити билан Совет Иттифоқига келади.

● Учишни бошқариш маркази хабар беради: белгиланган учиш программасига мувофиқ Владимир Жовибеков билан Виктор Савиних «Салют-7» станциясини ишга тушириш соҳасидаги якунловчи операцияларни бажармоқдалар.

Космонавтлар орбитал комплекснинг ҳаракатини турли учиш режимларида мўлжал олдириш ва бошқариш системасининг ишлашини текшириб кўрдилар.

ҲАРБИЙ УЧУВЧИЛАР ТЎҒРИСИДА ФИЛЬМ

«Ўзбекфильм» студиясида яратилган янги рангли бадиий фильм «Лейтенант Некрасовнинг айби» деб аталади. Ўз хатти-ҳаракатлари учун жавобгарлик проблемасини ўртага қўйган киноҳикоя марказида мард, ботир ва иродали лейтенант Некрасов образи тасвирланган.

Фильмнинг постановкачи-режиссери Равиль Ботиров «Дорбозлар», «26-отилмасин», «Қирқ биринчи йил олмалари», «Севги ва нафрат» картиналари билан томошабинларга танилган.

(ЎзТАГ).

• Фотоахборот

САХАЛИН ОБЛАСТЬ ДРАМА ТЕАТРИНИНГ ТОШКЕНТДАГИ ГАСТРОЛЛАРИ

ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС



Сахалин область драма театри гастроль репертуарининг асосий хусусиятларидан бири замонавийлик проблемаларига қизғин мурожаатдир. Ижодий коллектив гастролга олиб келган ўзига хос талай спектакларни пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонлари катта қизиқиш билан кўришмоқда. Улар орасида В. Шукшиннинг «Улар эрталаб яна уйғондилар», Н. Семёнованинг «Ғилдиракли печка», А. Тоболякнинг «Сафар» ва бошқа асарлари бор.

Сахалиндан келган меҳмонлар спектакларни фақат асосий саҳна — Горький номидаги рус Давлат академик театрида кўрсатибгина қолмай, балки маданият саройларида намойиш этмоқдалар, меҳнат коллективларида саҳна асарларидан парчалар кўрсатишмоқда.

СУРАТДА: «Сафар» спектаклидан лавҳа.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

БУГУН ТОШКЕНТДА:

● **«Силикат» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси янги қурилиш материаллари лабораториясининг ходимлари қимматли кальцийлашган соданинг ўрнини муваффақиятли босадиган модданинг дастлабки синов намунасини яратдилар. У Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланадиган капролактам чиқиндисидан олинди. Янги маҳсулот арзон бўлиб, катта иқтисодий самара беради.**

● **Электрон-техника заводида пилланинг ипаклилигини аниқлайдиган янги асбобни ишлаб чиқариш бошланди. Қабул пунктларида ишлатиладиган бу янги ускунани Ўзбекистон ССР Фанлар академияси физика-техника институти плёнкали ярим ўтказгичлар лабораторияси мутахассислари ишлаб чиқдилар.**

ОБ-ҲАВО

● Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 27 даража иссиқ бўлди. Бугун кечаси 18—20, эртага кундузи 33—35 даража иссиқ бўлади.

БИЛДИРИШ

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети маълум қиладики, XIX чақириқ Тошкент шаҳар Советининг иккинчи сессияси 1985 йил 20 июнь соат 17.00 да Тошкент область партия комитетининг мажлислар залида (Ш. Рашидов проспекти, 9-уй) очилади.

Депутатлар ўша жойнинг ўзида соат 16.00 дан рўйхатга олинадилар.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети.

• Тошкент — янгича анъаналар шаҳри

ЁШ ЎРИНБОСАРЛАРГА ОҚ ЙЎЛ

СССР 50 йиллиги номидаги «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг маданият саройида ёшларни ишчилар синфига қабул қилиш тантанали маросими бўлди. Ҳунар-техника билим юртларини битириб чиқиб, меҳнат ҳаётига қадам қўяётган ёшларни меҳнат ветеранлари, маъмурият, партия ва комсомол ташкилотларининг вакиллари шонли воқеа билан самимий табриклаб, номи ёзилган асбобни топширдилар.

Автомат цехи созловчилар бригадири, Ленин ордени нишондори корхона мураббийлари кенгашининг аъзоси Маҳамаджон Тешабоев ишчи ўринбосарларга оқ йўл тилаб гапирди. У бундан чорак аср муқаддам етуклик аттестатини олгандан кейин завод остонасидан илк бор қадам ташлаб ўтганлиги тўғрисида сўзлаб берди. Тажрибали машинасозлар унга меҳр-оқибат кўрсатиб, ишчилик маҳоратини мукаммал эгаллаб олишидагина ёрдам бериб қолмай, шу билан бирга коллектив манфаатлари билан яшашга, унинг шонли меҳнат анъаналарини давом эттиришга ҳам ўргатдилар.

М. Тешабоев ўз устозларидан ўрганган ҳамма нарсани эндиликда ёшларга ўргатмоқда. У автомат цехида ишлаб келаётган йиллар мобайнида йигирмадан кўпроқ шогирдининг меҳнатда ва маънавий чиниқишига, созловчи касбини ўзлаштириб олишига ёрдам берди. Уларнинг кўпчилиги ўн биринчи беш йиллик топшириқларини барвақт бажардилар, СССРнинг орден ва медаллари билан мукофотландилар.

— Сизлар виждонан ишласангиз, — деди Тешабоев ҳунар-техника билим юртини битириб чиққанларга мурожаат этиб, — катта ўртоқлар, корхона раҳбарлари ишингизга ҳамиша муносиб баҳо берадилар. Сизлар шонли бир вақтда тракторсозларнинг онласига қўшилмоқдасиз. Ҳозир бизнинг кўп миниг кишилик интернационал коллективимиз КПСС XXVII съезди шарафига зарбдор вахтада туриб, социалистик мажбуриятларни бажариш учун сабот билан курашмоқда.

Меҳнат ветерани ўзи бошчилик қилаётган созловчилар бригадаси мамлакат коммунистларининг бўлажак анжуманини меҳнатда янги ютуқлар билан нишонлашга қарор берганлигини маълум қилди.

Йигит ва қизлар ишчи разрядлари берилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаларни олгач, тракторсозлар меҳнат шон-шуҳратининг муносиб варисларидан бўламиз, деб қасамёд қилдилар.

Кипрда сепарат сайлов

• ШАРҲЧИ САТРЛАРИ

«Шимолий Кипр Турк Республикаси» деб аталмиш республикада «президент сайлови» бўлиб ўтди. Сайловда ороллардаги турк жамоасининг бошлиғи Р. Денкташ ғалабага эришди. Бу «сайлов» Кипр территориал бутунлиги мухолифларининг яна бир бузғунчилик қадами бўлди.

Жаҳон ҳамжамияти 1983 йил кузида «шимолий Кипр Турк Республикаси» эълон қилинганлигини Кипрни парчалаб юборишни мустаҳкамлашга қаратилган ҳаракат деб кескин қоралаган эди. БМТ Хавфсизлик Кенгаши уни юридик кучга эга бўлмаган республика деб эълон қилди. Бу йил ғайриқонуний равишда тузилган республиканинг «конституция лойиҳаси» қабул қилинди ва уни тасдиқлаш юзасидан «референдум» ўтказилди. «Турк Республикасида» 23 июнь куни «парламент сайлови» ўтказиш белгиланган. Бу «республика»нинг шу вақтга қадар фақат Туркиягина тан олди, холос.

Шу нарса мутлақо равшан бўлиб қолмоқдаки, да сарф қилаётган кучлар, аввало, АҚШ ва НАТОнинг эътиборини ўзига жалб қилмоқда.

Урта денгиз шарқидаги унча катта бўлмаган Кипр ороли шу вақтга қадар тўла осойишталик шароитида яшамаётганлигини тушуниб олиш учун географик харитага назар ташлашнинг ўзи кифоя қилади. Кипрнинг Яқин Шарқ, социалистик мамлакатлар ёнгинасида жойлашганлиги империалистик ғайратларига путур етказади.

Чет эл матбуотида бир неча бор хабар қилинганидек, Вашингтон «Шимолий Кипр Турк Республикасини» мустаҳкамлашга хайриҳоҳлик билан қараб, ана шу хайриҳоҳлик эвазига оролнинг шимолида ҳарбий базага эга бўлиш, уни Ўрта денгиз шарқига хуруж қилиш воситасига куч айлантиришни мўлжалламоқда. Худди шунинг учун ҳам АҚШ 1974 йилда турк қўшинларининг Кипрга бостириб киришига қарши эътироз билдирмади. Натижада бу ерда янги Турк республикаси тузилди.

АҚШ ва НАТО Кипрдаги грек ва турк жамоалари вакиллари ўртасидаги музокараларни барбод этиш учун кўп сарфлади. Кейинги шундай музокаралар ўтган йил июнида барбод этилган эди.

Совет Иттифоқига келганда шуни айтиш керакки, у Кипрнинг территориал бутунлиги ва мустақиллигини сақлаб қолишни, ҳал этилмаган проблемаларни ташқаридан аралашувсиз иккала жамоа ўртасида музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этишни изчил равишда ёқлаб, оролнинг АҚШ ва НАТО ҳарбий плацдармига айлантирилишига қарши чиқмоқда, регионда мустаҳкам тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга эришишни талаб қилмоқда. Маълумки, Ўрта денгизни тинчлик зонасига айлантириш тўғрисидаги совет таклифи худди шу мақсадга қаратилган.

И. АБЛАМОВ, ТАСС шарҳчиси.

МЕБЕЛЧИЛАРНИНГ ТЕЖАМКОРЛИКЛАРИ

«Югмебель» бирлашмасининг ходимларн шохшабба, қирнинди, калта-култа тахталарни йиғиб ншга солишларн натижасида икки ярим минг гектар майдондаги ўрмон омон қолди. Ҳолбуки яқиндагина шулар чиқитга кетарди. Уларни йиғиб ишлатишдан олинган иқтисодий самара салкам тўрт миллион сўм бўлди.

— Корхонамиз халқ истеъмол молларн ишлаб чиқарадиган цехларнн реконструкция қилиш ва кенгайтиришга кўп пул сарфлаганн ҳолда Урал ва Сибирдан тахта бир маромда келиб турншига узоқ вақт муваффақ бўла олмади: ёғоч тахта тайёрловчилар бизнинг ўсиш сурьатларимизга етолмай қолдилар. Ана шу нарса резервларни жиддий излаш билан шуғулланишнн тақозо этди, — деди «Югмебель» бошлиғи П. Петров.

— Ишни ўз имкониятларимизни қатъий кўрикдан ўтказишдан бошладик.

Бирлашма доирасидан чиқиб, идоравий ғовлар бузиб ўтилиб, баъзи жойларда ҳамон ёқиб юборилаётган ишлатилиб бўлган устун ёғоч, яшик, калта-култа тахта гулханларн «ўчирилсин»! «Югмебель» мутахассислари мана шу саволга ҳам жиддий жавоб қайтардилар. Инженерлар бригадаларн РСФСРдаги 23 министрлик ва идораларга қарашли 100 та корхонанн, ўрмон хўжалиги министрлигининг саккизта бошқармасини текшириб чиқдилар. Фойдаланилмаётган хом ашё балансларн тузилиб маҳаллий партия ва совет органларига таклифлар айтилди. Улар мебелчиларга муҳим ёрдам бердн.

Бирлашма хом ашё йиғадиган ва унн ташиб оладиган махсус хизмат тузди, йиғув пунктларнни очди.

Аммо биз бу ишга ёғочдан комплекс фойдаланиш ва чиқитсиз технологиянн ташкил этиш программасинн амалга оширшш борасидаги хозирча биринчи босқич сифатида қараяпмиз, дедн пировардида П. Петров, ҳамон ишга солинмаган резервлар бор. Масалан бу йил бултургидан 35 минг куб метр кўпроқ хом ашё йиғамиз. Бунинг учун қабул қилувчи ва қайта ишловчи пунктлар қувватларнни кенгайтирамиз, қўшимча янги пунктлар очамиз. Хом ашёни ташиш системаси ҳам такомиллаштирилмоқда. Буларнинг ҳаммаси 55—60 процент ёғоч-қиринди плнталарни маҳаллий хом ашёдан тайёрлашга имкон беради.

(ТАСС).



Ф. Тўлаганова (суратда) мана икки йилдирки, Тошкент бадиий буюмлар фабрикасининг попон цехида фидокорона меҳнат қилиб келмоқда. Беш йиллик нлғори бўлган чевар қиз айни кунларда 1986 йил ҳисобига маҳсулот топшираяптн. Съезд олди вахтасида турнб меҳнат қилаётган Ф. Тўлаганова кунлик топшириқлар ортнғи билан бажарилишига эришаётир.

Т. Каримов фотоси.

РАҲБАР ВА ЙЎНАЛТИРУВЧИ КУЧ

• *Биринчи рус революциясининг 80 йиллиги олдидан*

КПСС Марказий Комитетининг апрель (1985 йил) Пленуми партия XXVII съездига ҳозирлик кўриш бўйича ёрқин программанн белгилаб берди. Умумпартиявий съездлар Совет Иттифоқи Коммунистик партиясинng шонли тарихидаги асосий ва унутилмас сана, энг ёрқин ва ўчмас саҳифалар бўлиб ҳисобланади.

В. И. Ленин янги типдаги революцион партия тузишдан бошлаб, партия съездларини тайёрлаш ва чақириш ишларига жуда катта эътибор берар эди. Ҳамиша у съезд — партиянинг олий даражадаги энг юқори суди ва органи партиявий ишнинг кульминацион нуқтаси эканлигини уқтириб, унга жиддий тайёрланар, муҳокама қилинадиган масалалар комплексини чуқур ўрганар ва бутун партия диққатини бунга жалб этарди.

Социалистик жамиятимизнинг асосий раҳбар кучи Коммунистик партиянинг бўлиб ўтган 26 съездининг ҳар бири ҳам мамлакатимиз ижтимоий ва снёсий ҳаётида беҳад йирик воқеа бўлди. Улар ҳозирги кўп миллатли совет халқининг озодлик учун кураши ва коммунистик жамият қуриш йўлидаги яратувчанлик босқичларини белгилаб берди.

Россияда бошланган янги тарихий давр — 1905 йилнинг чуқур социал ларзалари ва революцион жанглари кучайган бир пайтда, РСДРПнинг III съезди ўта маҳфий равишда бўлиб ўтади. Съезд чақирилган давр ўз моҳиятига кўра, Россияда юз берган чуқур снёсий кризис буюк революциянинг етилиши билан жуда характерлидир.

Россия империяси бу вақтга келиб, доҳий сўзи билан айтганда, монополистик, чириб боруvчи ва ўлаётган капитализмнинг юқори босқичи — империализм даврига кирган эди. Бу бир томондан, унинг ички антагонистик синфий зиддиятларини жуда тез ривожлантирди. Иккинчи томондан эса, унинг империалистик давлатлар ўртасидаги ташқи босқинчилик снёсатини ҳам жадал кучайтириб юборди.

Мана шундай тарихий шароитда Россиядаги бу снёсий кризисни революцияга айлантиришга қодир бўлган кучлар ҳам таркиб топди. Революция бошланиши билан подшо ҳукуматининг мағлубияти аниқ бўлиб қолади. Бу барча снёсий партия ва оқимларнинг ҳаётий активлигини оширади, синфий табиатини ойдинлаштиради. Улар ўртасидаги ажралишни кучайтиради. Бу вақтда Россия снёсий майдонида уч лагерь мавжуд эди: ўз иттифоқчилари билан ишчилар синфи, либерал буржуазия ва подшо ҳукумати. Улар революцияга нисбатан ўз синфий муносабатини, стратегик мақсади ва кураш тактикасини аниқлаб, революцион ҳаракатни ўз манфаатлари йўлига солиш ғоясини олға суради.

РСДРП 1903 йилданоқ пролетариатнинг демократик ва социалистик революциялари ҳақидаги аниқ Программага эга эди. Лекин бу пайтда уни амалга ошириш бўйича РСДРПда ташкилий ва тактик бирлик йўқ эди. Меньшевикларнинг оппортунизми кучайган эди.

РСДРП III съездини тайёрлаш ва унда муҳокама қилинадиган масалалар билан олдиндан партия ва меҳнаткашлар оммасини таништиришда «Вперед» газетаси катта роль ўйнади. Бу большевистик газета В. И. Ленининг ташаббуси билан 1905 йилдан чиқа бошлаган эди. Агар II-съездни чақиришда «Искра» қандай роль ўйнаган бўлса, бу газета ҳам III-съездни чақиришда катта роль ўйнайди.

Н. К. Крупскаянинг кўрсатишича, 1905 йилнинг баҳорида В. И. Ленин Россиядан олаётган хатларининг сони ойига 300 тага етади. В. И. Ленин съезд кун тартибидаги ҳамма асосий масалалар: қуролли кўзғолон, муваққат революцион ҳукуматда социал демократиянинг иштирок қилиши, деҳқонлар ҳаракатига муносабат, партия Устави ва бошқалар юзасидан доклад қилди, нутқлар сўзлади ва резолюциялар лойиҳасини тайёрлади. Съезд протоколларида В. И. Ленининг 140 марта сўзга чиққани ва таклифлар киритгани қайд этилган. Доҳийнинг марксча чуқур мазмунли нутқ ва докладлари делегатларда катта иштиёқ уйғотади. Съезд қабул қилган резолюцияларда партиянинг буржуа-демократик революциядаги стратегик плани белгилаб берилади. Бу планда пролетариат революциянинг гегемони ва раҳбар кучи сифатида бутун деҳқонлар билан иттифоқ бўлиб, буржуазиянинг бекарорлигига барҳам бериш ва самодержавиени ағдариб ташлаш, демократик республика ўрнатиш, ундан сўнг камбағал деҳқонлар билан иттифоқ бўлиб, ўрта ҳол деҳқон ва майда буржуазиянн бетарафлаб, уларнинг бекарорлигига барҳам бериш билан буржуазияни ағдариб, пролетариат диктатурасини ўрнатиш аниқ кўрсатилган эди.

Бу буюк стратегик вазифани амалга ошириш учун аниқ кураш тактикаси ҳам ишлаб чиқилди.

Ўша даврда доҳий В. И. Ленин бошчилигида большевиклар партия ва оммани революция ҳақидаги аниқ стратегик план ва кураш тактикаси билан қуроллантирди, у марксча социалистик революция ҳақидаги таълимотни янги тарихий шароит асосида ривожлантирди. Бу эса Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси учун ғоявий замин бўлган эди.

Ш. ОРАЗИМБЕТОВ,
С. ХОЛБОЕВ.

БЕШ ЙИЛЛИК ИЛҒОРЛАРИ



Тошкентдаги «Промсвязь» тажриба заводи ишлаб чиқараётган маҳсулотлар мунтазам харидорлар томонидан юқори баҳоланмоқда. Бу ерда тайёрланаётган телефон ва алоқа аппаратлари сифатли бўлишида илғор ншчилар алоҳида ўрнак кўрсатишяпти. Корхонада ташкил этилган социалистик мусобақада йиғув цехининг илғор ншчиларн Татьяна Семёнова ва Любовь Чурашевалар байроқдорлик қилиб келишаётир. Улар мунтазам смена нормаларнни 130—140 процент бажарилишига эришмоқдалар.

СУРАТДА: беш йиллик илғорлари — Татьяна Семёнова ва Любовь Чурашевалар.

М. Нуриддинов фотоси.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

МУВАФФАҚИЯТЛИ БАЖАРИЛМОҚДА

ПРАГА. ЧССРда янги заводлар, саноат объектларининг ишга туширилаётганлиги тўғрисидаги хабарлар кўпинча «СССР кўмаги билан қурилди» деган сўзлар билан бошланади. Республикадаги юзлаб корхона СССРдан келтирилган машина-ускуналар билан жиҳозланган, 80 дан кўпроқ завод ва фабрика модернизация қилинган, ёқилғи ва энергетика проблемаларини ҳал қилишда Совет Иттифоқидан келтирилган машина-ускуналар ғоят катта аҳамият касб этади.

Шу беш йиллик ЧССР ва СССР ўртасидаги ҳамкорлик формаларининг хилма-хил бўлиши билан ажралиб туради, деди ЧССР ташқи савдо министрининг биринчи ўринбосари Л. Водражка ТАСС мухбирига. Ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперациялаш ривожланиб бормоқда, ёқилғи-хом ашё базасини ўзлаштиришга биргаликда капитал маблағ сарфлаш кўпайди.Бултур ЧССР билан СССР ўртасидаги товар оборотининг умумий ҳажми қарийб 13 миллиард сўмга етди.

Шартномада кўзда тутилган бу йилги топшириқлар эса муваффақиятли бажарилмоқда. Ўзаро маҳсулот етказиб беришнинг тез кўпайиб бораётганлиги ана шундан далолат беради. Шу маҳсулотнинг 40 процентга яқини ихтисослаштириш ва кооперациялаш доирасида ишлаб чиқарилаётган буюмлар улушига тўғри келади.

Икки қардош мамлакат иқтисодий ҳамкорлигининг кенгайиб бораётганлиги бутун социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари ичида интеграция алоқалари мустаҳкамланаётганлигини кўрсатувчи омилдир, деб таъкидлади Л. Водражка.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ УЧУН

БУДАПЕШТ. Венгриядаги кемасозлик ва крансозлик заводи Совет Иттифоқи учун янги маҳсулот —35 тонна юк кўтарадиган сузувчи кранлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Ўзининг асосий характеристикаларига кўра бу катта кран Венгрия кемасозлари совет буюртмачиларига етказиб бераётган бир қанча моделдан икки баравардан зиёд устундир.

СССР Денгиз флоти министрлигининг буюртмаси билан келгуси беш йилликда Венгрияда бир нечта ноёб буюмлар, шу жумладан 150 тонна юк кўтарадиган сузувчи кран ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда. Ҳозирги вақтда Совет Иттифоқида Будапешт причалларидан етиб келган 500 га яқин сузувчи кран ишлаб турибди.

ҲАМКОРЛИК НАМУНАСИ

СОФИЯ. Болгарияда атом электр станцияларининг қурилиши СССР билан БХР мутахассислари кўп йиллик самарали ҳамкорлигининг конкрет мисолларидан биридир. Бу ҳамкорлик халқ хўжалигининг янги тармоғи — атом энергетикасини ривожлантиришда ҳал қилувчи роль ўйнади, уни Европадаги бошқа мамлакатлар даражасига кўтарди.

Болқон ярим оролида биринчи «Козлодуй» атом электр станциясининг барпо этилаётганлиги ана шу ҳамкорлик натижасидир. Бу электр станцияни ҳозирги агрегатлар учун ўзига хос экспериментал майдонча деб ҳам аташ мумкин. Яқин вақт ичида бундай агрегатлардан Болгарияда ва бошқа социалистик мамлакатларда фойдаланиладиган бўлади. Ҳозирги вақтда «Козлодуй» электр станциясида қуввати минг мегаватт келадиган биринчи энергетика блоки қурилмоқда.

«Белене» деб аталган иккинчи атом электр станциясини барпо этиш ишлари ҳам авж олдириб юборилди. Бу ерда ҳозиргача тўртта ана шундай реактор ўрнатилди.

Болгариядаги биринчи атом электр станцияси сингари «Белене» станцияси ҳам Совет Иттифоқининг техникавий кўмаги билан қурилмоқда. Асосий машина-ускуналар бу ерга СССРдан, шунингдек Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган бошқа мамлакатлардан келтирилмоқда. «Белене» станциясининг фойдаланишга топширилиши билан атом электр станциялари БХРдаги бутун электр энергиясининг қарийб 40 процентини ҳосил қиладиган бўлади. СССР ёрдами билан қурилган энергетика объектларида мамлакатда ишлаб чиқарилаётган электр энергиясининг 80 процентн ҳосил қилинмоқда.

Буюм турлари янгиланмоқда

УЛАН-БАТОР. Монголия пойтахтидаги энг йирик кўн-галантерея фабрикаси ишлаб чиқараётган буюмлар турининг ярмидан кўпроғи янгиланди. Ҳозирги вақтда тармоқдаги илғор корхоналардан бири меҳнатчилари маҳсулот сифатини бошқариш комплекс системасини практикага муваффақиятли жорий этмоқдалар. Шу туфайли фабрика маҳсулотнинг 80 процентдан кўпроғини биринчи сортга топширмоқда. Бу эса фабриканинг экспорт имкониятларини анча кенгайтириш имконини беради. Эркаклар ва аёлларнинг чарм пальтолари, чарм ва замшадан тикилган пиджаклар, курткалар, сумкалар мамлакатда ҳам, чет элларда ҳам харидорларга ғоят манзур бўлмоқда.

ЖАҲОН ШАҲАРЛАРИ ВА ПОЙТАХТЛАРИДА

БУХАРЕСТ. Муреш дарёсининг ўнг соҳилидаги чоғроқ Регнн деган шаҳарнинг қарийб ҳар бир уйида скрипка устаси яшайди. Бу тасодифий эмас. У ерда Руминияда торли чолғу асбобларн ишлаб чиқарадиган ягона корхона — ёғочсозлик комбинатн жойлашган. Яқинда комбинат коллектнви ўзига хос юбилейнн нишонлади — 1.400.000 номерли скрипка тайёрлаб чиқарилди. Руминиянинг дастлабки 30 та скрипкаси ясалган 1952 йилдан бери бу корхона цехларида шунча музика асбоби тайёрланди. Ҳозир регнлик «куйловчи ёғоч усталари» 120 тнпдан кўп турли асбоблар — скрипка, виолончель, виолла, контрабас, оддий ва электр гитараларни ясамоқдалар. Комбинатнинг «Ипл Регнн» тамғаси қўйилган маҳсулоти жаҳоннинг 30 дан кўп мамлакатида, шу жумладан СССРда харидоргирдир.

* * *

БУХАРЕСТ. Руминиянинг Галац шаҳридаги кемасозлик корхонаси портдан контейнер, автомобиль ва бошқа хил юклар ташишга мўлжалланган «Перниш» кемаси биринчи рейсга жўнаб кетди. Ҳозир мамлакатда дарёларда қатновчи чоғроқ кемалардан сиғими 150 минг тоннага борадиган улкан нефть ташкерларигача юз хилдан кўп кема қурилмоқда. Руминиялик кемасозлар булгурнинг ўзндагина жами сиғими 700 минг тоннага борадиган кемаларни қурдилар.

* * *

ПАРИЖ. Париж кўчаларида автороллер таксилар пайдо бўлди. Шаҳар транспортининг янги турн бир мунча арзонлигидан ташқари тезлиги билан ҳам ажралиб туради: чаққон автороллер шаҳар марказидаги серқатновликка енгил автомобилларга нисбатан яхшироқ мослашган, бу ерда тез-тез бўлиб турадиган автомобиллар тиқинидан тезроқ чиқиб кетаолади.

Автороллерни телефон орқали чақириш мумкин. Орадан ўн минут ўтгач йўловчи ҳайдовчининг орқа томонидаги ўриндиқдан жой олади. Бу жой шамолдан тўсадиган махсус ойна ва ҳаттоки стереофоник радиоприёмник билан жиҳозланган. Мижоз автороллерда кетаётганида унга мотошлем, шунингдек ёмғир ёғиб турган бўлса плашч берилади.

Автороллер таксинн яратган Даннэл Лулэн бу янгилик одатдаги такси билан жиддий рақобатлаша олмаслигини эътироф этди. Бунинг сабаби бор: қаттиқ силкинишлар ва ҳамиша мувозанатни сақлаш зарурлигнни кўз-кўз қилиб бўлмайди албатта. Д. Пулен яқинда Париж кўчаларига чиқган тўртта автороллер билан ўтказилаётган эксперимент кўп келса ярим йилдан сўнг уларнинг сонини 20 тагача кўпайтирш мумкин бўлади, деб ҳисоблайди.



Америка Қўшма Штатларининг тинчликсевар Никарагуа халқига қарши олиб бораётган агрессив снёсати бутун жаҳон жамоатчилиги томонидан кескин қораланмоқда. Мамлакатларда бўлиб ўтаётган митинг ва намойиш қатнашчилари Никарагуанн тинч қўйиш, унинг тинчликсевар халқи эришаётган ютуқларини янада мустаҳкамлашни талаб этишмоқда.

Никарагуа халқи Америка агрессорларига қарши якдиллик билан кураш олиб бормоқда. Тинч халқ қўлига қурол олиб, агрессорларнинг ҳар қандай ҳаракатларини бартараф этиб турибди. Юқоридаги суратда — Сандино халқ армиясининг жангчиси тасвирланган. Пастдаги суратда эса АҚШнинг Сан-Франциско шаҳрида Рейган маъмурнятнинг олиб бораётган милитаристик снёсатига қарши кўп кишилик митинг қатнашчилари тасвирланган.



КИТОБЛАР ВИСТАВКАСИ

БОГОТА. Қолумбия пойтахтининг миллий кутубхонасида совет китоблари виставкаси очилди. СССР билан Колумбия ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганлигининг 50 йиллигига бағишланган бу виставкани Қолумбия ёзувчилар союзи билан маданият институти ташкил этди. Катта кўргазмага СССРда рус ва испан тилларида нашр этилган марксизм-ленинизм классикларининг асарлари, совет ва Лотин Америкаси ёзувчиларининг китоблари, ижтимоий-снёсий ва илмий мавзулардаги адабиётлар қўйилган.

Колумбия ёзувчилар союзининг раиси Педро Гомес Вальдеррама виставкани очиш пайтида сўзлаган нутқида совет халқи билан Колумбия халқи ўртасида дўстлик муносабатлари ўрнатилганлигини уқтириб ўтди. Иккала мамлакат ўртасида кучайиб бораётган маданий ҳамкорлик бунга мисол бўла олади. Иккала мамлакатнинг ёзувчилари ва маданият ходимлари делегацияларн бир-бирларининг ҳузурларига меҳмон бўлиб бормоқдалар, театр ва музика коллективлари гастроль сафарлари қилмоқдалар.

Кўргазмага қўйилган китоблар, деди маданият институтининг директори Ампаро Синестерра де Карваҳаль, колумбияликларга совет кишиларининг турмуши билан яқиндан танишиш имконини беради.

• *Съездолди меҳнат вахтасида*

ИШ СИФАТИ ОШМОҚДА

«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланаётган трикотаж кийимларнинг аксарнятн кўркам, замонавий, тикилишн ҳам, модели ҳам яхшн. Бундан бир неча йил илгарн одамлар чет элда ва Болтиқбўйи республикаларида тайёрланган трикотаж кийимларни излаб юришарди. Эндиликда эса ўзимизнинг «Малика»миз маҳсулотн уларникидан қолишмайди.

Бирлашма маҳсулотларига бўлган талаб йил сайин ортиб бормоқда. Чунончи, бирпашманинг 9-филиалида болаларнинг етти артикулдаги кийимлари тайёрланади. Мазкур цехда иш унумн ҳам 260 дан знёд чеварларнинг самарали меҳнатн туфайли бирнчи кварталда 551 мингта маҳсулот тайёрланди. Коллектив сифатлн маҳсулот тайёрлаш билан бирга меҳнат унумдорлигини мутгасил ошириб бормоқда. Бунга илғор иш тажрибаларинн жорий этиш, ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш эвазига эришилмоқда.

Илғор ншчилардан Санобар Маҳкамова ва Муқаддас Ортиқовалар филнал ташкил этилгандан бери меҳнат қилишадн. Улар пешқадам бўлиш билан бирга ўз иш тажрибаларнни, меҳнат кўникмаларнни ёшларга ўргатиб келаётган мураббийлардир. Малакали чеварларнинг ойлик иш нормаларн 150 — 160 процентдан кам бажарилмайди.

Биз Санобар опанинг ишнни кузатамиз. Мотор юргизилгач, ғалтакдаги ипплар зум ўтмай айланади, опанинг чақкон қўлларн илдам ҳаракат қилади. Мана, кўйлакчанинг икки ённ чоклandн. Гуллн тизимча билан безак ҳам бериб бўлинди. Кўйлакчага ёқа ўрнатнш, енг улаш ишларнни эса бригададаги қизлар бажаришяпти.

— Кўряпсиз, меҳнатим оддий, —дейди Санобар опа. — Тўғри чокнн тикиш ҳам кишидан диққат, қунт талаб қилади. Агар нп йўли салгина ўзгарса маҳсулот брак бўлади. Ўша брак кнймнни боласига кийгизган она ранжийди. Мен ҳам онаман. Бешта фарзандим бор. Оналар қалбини яхши бнламан. Ҳамма ҳам ўз фарзандинн нччам ва кўркам кнйинтирншни истайди. Биз кунлик ва ойлик мажбурият учунгина эмас, инсонлар учун меҳнат қиламиз. Шунинг учун ҳар соння виждонан меҳнат қилишга ҳаракат қиламан. Одамлар биз тнккан кийимларни севиниб кийишларини истайман.

Чевар аёлнинг меҳнатга муносабатнинг ҳаётга, атрофдаги кишиларга бўлган муносабатидан англаш мумкин. Санобар опа ўз ишининг фидойиси, меҳрибон мураббийлиги билан чеварлар орасида ҳурмат-эътибор топди.

— Коллективимизда Санобар Маҳкамова сингари илғор чеварлар кўп, — дейди цех бошлиғи Малоҳат Аббосова. —Булар Дилором Юсупова, Муҳаббат Тўхтаева, Мутассар Олимова, Дилфуза Қодировалар, Надежда Меклишева етакчилигидаги бригаданинг меҳнат календарида эса ўн иккинчи беш йиллик очилганига кўп вақт бўлди.

Филиалда ёш ншчи кадрлар кўпчилнкни ташкил этади. 5-комсомол ёшлар бригадасига Раъно Тўхтабоева бошчилик қилади. Шижоаткор комсомол-ёшлар қарийб беш йилдан бери бирлашма илғорларининг олдинги сафида боришяпти. Бригададаги Шоҳиста Жалилова, Маърифат Маҳкамова каби чеварлар ишлаб чиқарнш нормаларнни мунтазам бир, бир ярим ҳисса ошириб адо этишади.

Коллектив самарали меҳнат қиляпти. Ишчилар КПССнинг XXVII съездига муносиб меҳнат совғалари тайёрлаш иштнёқида ғайратга-тайрат қўшиб ишлашяпти.

Д. АБДУВОСИЛОВА,

• *Илм-фан—ишлаб чиқаришга*

ОЛИСДАН ТУРИБ ДИАГНОЗ ҚЎЙИШ

Поезд станцияга яқинлашди. У ҳали тўхтамасидан ҳисобдон машина локомотивининг электрон тестерн билан боғланиб, алоқа ва сигнализацня системаларнинг иш қобилиятнни текшириб чиқдн. Узбекистон депоси техник хизмат постидаги электромеханиклар локомотивдан носозликларнни излаб ўтирмай, бирданига унн йўқотишга кирншдилар. Натижада ремонт вақтн анча қисқардн.

Узбекистон ССР Фанлар академиясн ядро физикаси институтининг олимлари темирйўлчиларнинг буюртмаларига биноан олисдан турнб диагноз қўйиш комплексини ишлаб чиқдилар. Илмий-тадқиқотлар бошланганндан тайёр намуналар жорий этилгунича атнги 3 йил ўтдн.

Ҳозир янги приборлар иккита локомотивга монтаж қилиндн. Система Урта Осиё темир йўлининг ҳамма поездларида жорий этилса йилига бир ярим милнон сўм иқтисодий самара берадн.

(УзТАГ).

2-ТОШКЕНТ ВЕТ ОҚШОМИ

18 ИЮНЬ, 1985 й.

ТУҲМАТЧИЛАР ФИЛИАЛИ

ДЕҲЛИ. Покистонда Америка Марказий разведка бошқармаси таъминотида бўлган қўпорувчилик руҳидаги «Озод Европа» ҳамда «Озодлик» радио марказларининг йирик филиали қурилиши ниҳоясига етмоқда. Ҳиндистон Си-Эн-Эс агентлигининг гувоҳлик беришича, бу радиостанцияларга ўрнатилган кучли передатчиклар шу региондаги ўн тилда радио оғусини тарқатади. Тинчликсеварлик снёсатнни ўтказаётган Жанубн-Ғарбий ва Жанубий Осиёдаги қўшилмаган давлатлар идеологик қўпорувчиликнинг асосий объектлари бўлиб қолади.

Покистонда Марказий разведка бошқармасининг пули билан барпо этилган бу ҳар икки радио марказ зимасига юклатилган асосий вазифалар — шу мамлакатларнинг ички снёсий аҳволига путур етказишга мақсадида туҳмат қилишдан, улар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни қўпоришдан, социалистик давлатларга қарши ёвуз пропаганда қилишдан иборат. Си-Эн-Эснинг қайд этишича, мазкур радиостанциялар фаолиятига Исломободдаги АҚШ элчихонаси паноҳида ишлаётган Америка жосуслик идорасининг тажрибали ходимлари раҳбарлик қилади.


Матбуотнинг фикрича, Американинг Покистонда тузилган эфир заҳарловчилари Афғонистон Демократик Республикасига қарши психологик урушни кучайтириш, бу суверен давлатнинг ишларига империалистик аралашувни активлаштириш учун шарт-шароитлар яратиб бериши керак. Ҳозирги пайтда Ғарб давлатларининг 50 дан кўпроқ радиостанцияси ҳар куни эфир орқали Афғонистонга қарши ёвуз кампания олиб бормоқда. Покистоннинг «Карочи радиоси» ҳамда «Пешавор радиоси» радиостанциялари ҳам Афғонистонга қарши олиб борилаётган психологик урушда фаол қатнашмоқда.

Покистондаги оппозициядаги снёсий партиялар ҳарбий маъмурларнинг Исломободда «Озод Европа» ва «Озодлик» радио марказлари филиалинн очиш ҳақидаги қарорини қораламоқдалар. Миллий озодлик фронти партиясининг бош секретари Иқбол Ҳайдар Карочида эълон қилинган баёнотида Покистон ўз территориясини иккала радио марказга бериб қўйиб, ўзининг блокларга қўшилмаган давлат деган обрўсига путур етказмоқда, деб айтди.

• Шогирдлар—устозлар ҳақида

ЁҒОЧДА ГУЛШАН ЖАМОЛИ

Ўзбек халқ амалий санъати узоқ тарихга эга. Бу ажойиб санъатни чуқур эгаллаган усталар ўз ҳунарларини авлоддан-авлодга етказиб берганлар. Тошкент бадиий ёғоч ўймакорлиги ривожига салмоқли ҳисса қўшган, ҳозирги кунда ижод қилаётган ўрта авлод усталарига устоз бўлган Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, СССР Рассомлар союзининг аъзоси Мақсуд ота Қосимов ҳаёт бўлганларида саксон ёшларини қаршилар эдилар.



Мақсуд Қосимов 1905 йил 4 июнда камбағал ҳунарманд оилада туғилди. У ёшлигиданоқ ёғоч ишларига қизиқди. Ёш Мақсуд 1934 йили Халқ хўжалиги музейи (ҳозирги М. Т. Ойбек номли Ўзбекистон ССР халқлари тарихи музейи) биноси қурилишида дурадгор бўлиб ишлаётганида бир группа халқ амалий санъати усталари ишига қизиқиб қолади. Унинг санъатга қизиқиши ва қобилиятини кузатиб юрган музей ходимлари Мақсудни 1935 йили Тошкентда эндигина ташкил қилинган бадиий ўқув ишлаб чиқариш комбинатига ўқишга юборишади. Икки йил давомида у наққошлик, ёғоч ва ганч ўймакорлиги, панжара санъати ҳамда тошга гул ўйиш санъатини ўрганди.

Мақсуд Қосимов ёғоч ўймакорлиги санъатига, айниқса муҳаббат қўйди. У бунда ўзига хос услуб яратди. Композиция тузишда «ислимий» узлуксиз ўсувчан нақш элементларини сержилва қилиб боғлай билди. Ўқиш даврида у панжара санъатини ҳам иштиёқ билан ўрганди. Ёш уста панжара ишлашнинг нозик сирларини, ўлчовдаги ҳисобларни, бўлакларнинг асосий чўпларга элимсиз, михсиз ярим ёғоч усулида бириктиришни ва рамкага жойлаш йўлларини пухта эгаллади.

Уста Мақсуд Қосимов 1937 йили бир группа ўзбек халқ санъати усталари қатори Москвага, Бутуниттифоқ Қишлоқ Хўжалиги Кўргазмасининг Ўрта Осиё павильонларини безаш учун таклиф қилинади. У 1940 йилгача Москвада яшаб, Қирғизистон, Ўзбекистон ва Тожикистон павильонларини бадиий безашда қатнашади.

1940 йили Фрунзе шаҳрида очилган бадиий ўқув ишлаб чиқариш комбинатига бадиий ёғоч ўймакорлигидан ёшларга дарс бериш учун таклиф қилинади. Бу ерда М. Қосимовга Москвада Қирғизистон павильонларини безашдаги тажрибаси қўл келади, чунки у қирғиз халқ нақшлари элементларидан эркин композиция туза оларди. Улуғ Ватан урушига қадар Фрунзеда ишлаган Мақсуд Қосимов кўплаб қирғиз ёшларига ёғоч ўймакорлигини ўргатиш билан бирга, ижодий ишларини ҳам тўхтовсиз олиб борди.

Уста Тошкентга қайтгач, бадиий ўқув комбинатида ёшларга ҳунар сирларини ўргатди. Улуғ Ватан уруши даврида қурилган Муқимий (собиқ «Тошсовет») театрининг эшикларини моҳирлик билан ишлади, эшикларнинг ҳар бирига турлича, бир-бирига ўхшамаган «ислимий» усулида композициялар чизилган. Бу композицияларга янги элемент — «пахта гул» қўшилгани ўймакорлик асарига янгича тус берган. Ўймакор уста А. Навоий номли опера ва балет театрини безашда ҳам қатнашди. Унинг ижоди Тошкентда барпо этилган замонавий йирик архитектура ва оммавий-маданий қурилишларда ўз аксини топди.

Мақсуд Қосимов 1952 йилдан 1960 йилгача П. П. Беньков номидаги республика рассомлар тайёрлаш мактаби қошидаги халқ амалий санъати бўлимида бадиий ёғоч ўймакорлиги санъати сирларини кўплаб ёшларга ўргатди, ўнлаб шогирдлар етиштирди, ўз навбатида бу ёшлар ҳам кўплаб шогирдлар тарбиялаш билан бирга баракали ижод қилмоқдалар.


Устоз санъаткор қаерда ишламасин, ҳар доим ижод қилади. Сакиз, олти ва беш қиррали ўйма столлар, 3, 4, 6 қиррали стуллар, шахмат столлари, ширма панжаралар, деразага қўйиладиган ширма панжаралар, ўйма панно-лар, рамкалар Қосимов ижодига мансуб асарлардир. Устознинг асарлари Москвада Шарқ халқлари санъати музейида, Ленинградда СССР халқлари этнография музейида, Тошкентда Ўзбекистон Давлат Санъат музейида, Ўзбекистон халқ амалий санъати музейида, Самарқанд Давлат тарих санъати музейида доимий экспозициядан муносиб ўрин олган. Кўплаб республика, Бутуниттифоқ ва Халқаро кўргазмаларда намойиш қилинган, кўчма кўргазмаларда намойиш этилган.


Ҳунар—инсонга иккинчи умр беради, деган гапда ҳикмат бор. Ажойиб санъаткор Мақсуд Қосимовнинг яратган ноёб асарлари, ўнлаб талантли шогирдлари устозининг иккинчи умри бўлиб ҳаётимизга гўзаллик бахш этиб турибди. Халқ санъати ривожига туганмас ҳисса қўшган бундай қўли гул усталар ҳеч қачон унутилмайди.

Ортиқ ФАЙЗУЛЛАЕВ,
«Уста» бирлашмасининг бадиий ёғоч ўймакорлиги бригадаси бригадири, СССР Рассомлар союзининг аъзоси, Ўзбекистон халқ амалий санъати устаси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими.

***

СУРАТЛАРДА: Уста Мақсуд Қосимов ва унинг шогирдлари яратган ўймакорлик ишларидан намуналар.





Ўктам УСМОНОВ



РОМАНДАН ПАРЧАЛАР

Маҳбуба китобий тил билан гапирганини Саттор дарров тушунди. «Шошса кўпроқ иш битади...» Қаердадир ўқиган бини. Шунинг учунми, унда баттар баҳслашиш иштиёқи туғилди. Аммо айни шу пайтда Маҳбуба:

— Сизларда ёзмадан қайси мавзулар тушган эди, черновикларингиз бордир, бир кўрай, қани сизлар қандай ёзгансизлар?— дея илтимос қилди. Саттор тумбочкасини очиб, дафтар-китобларини титкилай бошлади. Топилавермагач, Маҳбуба ҳижолатга тушди ва «Шошманг, ҳозир топилмаса, кейин берарсиз...» деди-да, узр сўраб чиқиб кетди... Китоб ўқиб ётган Ҳакимжон эса анчадан сўнг сўради:

— Топилдими!

Саттор кулди:

— Шундоқ тумбочканинг устида экан... ҳайронман...

— Менам ҳайрон бўлдим, — деди Ҳакимжон. —Боягина шу ёзма ишингизни кўриб ўтиргандингиз. Кўзим тушувди: йўлчи образига. Бирдан тумбочкангизни кавлаб кетдингиз. Ҳайрон бўлдим.

— Айта қолмабсиз-да.

— Атайлаб қиляпсиз деб ўйладим...

— Ие, нега!— Саттор Ҳакимжоннинг гапига аввал унча тушунмади. Кейин елкасини қисиб қўя қолди-ю, аммо ичида ундан хафа бўлди.

...Остонада бироз тараддудланиб турди: ичкаридан кимдир келаётганини сезгач, шошa-пишa эшикни тақирлатди. Уша заҳоти эшик очилди ва қошларига ҳозиргина ўсма қўйиб, ҳали ювиб улгурмаган, сочлари бироз ёйилган, ўрта бўй бир қиз Сатторга термулиб қаради-да, ичкарига бурилиб «Маҳбу» дея чақирди. Маҳбуба йўл-йўлакай кўкрак ёқаларини тузатиб келаркан, «марҳамат, киринг» деб эшикни ланг очди Сатторга. Саттор дафтарларини Маҳбубага узатди. Маҳбуба яна киринг, деб қистади. Дугонаси шаддод қиз экан, «вой, шундоқ ён қўшин бўлатуриб ноз қиласизми» деб ҳазиллашди. Саттор қараса: худди ўзларинникига ўхшаш катта, шифти баланд хона экан. Аммо бу ерга тўртта кароват қўйилибди. Саттор Маҳбуба таклиф қилган стулга ўтираркан, қизларнинг бу ораста хоналари олдида ўзларининки чинакам «бўйдоқхона» эканлигидан ичида завқланиб ҳам қўйди. Ҳамма кароватларда оппоқ чойшаблар; дўмбоқ ёстиқлар; бўёғи кўчиб, оралари хиёл очилиб қолган пол ҳам ҳозиргина ҳўл латта билан яхшилаб артиб чиқилган; тумбочка устида думалоқ кўзгу, атирупалар. Столдаги ликопчаларда эса мевалар, қанд-қурс. Устидан тоза дока ташлаб қўйилган. Тўнкарилган пиёла тагига ўсма сиқишган экан, бир-иккита тортишликкина қолибди...

— Маҳбу, сизларга яхши бўлди, — деди яна дугонаси қув кўзларини ўйнатиб. — битта факультетга кираяпсизлар, бирга дарс тайёрлайверасизлар. Қийинчиликда бизга қийин... Мен ҳам тарихга кирсам бўларкан...

— Қўйсанг-чи, Ҳалима, математика тушинигга ҳам кириб чиқади-ку...

Ҳалима қошларини чимирган эди, ҳали қотиб улгурмаган ўсма бирдан оқиб юзига чизиқ бўлиб тушди. Саттор «и-и» деб юборди, Ҳалима қаҳ-қаҳ отиб кулганича тумбочка устида турган кўзгуга қаради ва оқиб тушган ўсмани кўрсаткич бармоғи билан артиб-артиб сочига суртди, бошини чап томонга қийшайтириб турди.

— Кўпроқ маҳмаданалик қил... — Маҳбуба ҳам дугонасининг жиғига тега бошлади.

— Вой, нима маҳмаданалик қилибман! Сенга шерик топилди, мана Саттаржон акам десам — маҳмаданаликми! Тавба! Яхшиликка ёмонлик!

— Саттор ака кап-катта кўчада қўлимни синдирай дедилар-у, мен билан дарс тайёрлар эканлармиI!— Маҳбуба қотиб кулди.

Саттор ким гапирса, ўшанга кулиб қарар, аммо нима учун кулаётганн, аҳволи қандайлигини ўйламасди.

— Ёзмадан неча олгансиз мактабда! —деди у тўсатдан Маҳбубага, гўё ҳозир шу гапдан муҳимроғи йўқдай.

— Беш!

— Яхши... —Саттор гап уланмаганидан ҳижолат чекиб қимтинди. Кейин кеча Ҳакимжон деворга қоқиб берган Кавказ манзарасига тикилиб қолди. Ҳалима ҳамон ўсмасини тузатар; Маҳбуба эса кафтларини бир-бирига қўйиб, «ҳўш, энди нима қиламиз, яна нима гапингиз бор» дегандай кароватида кулимсираб ўтирарди.

— Чой қайнаганмикин, бир қараб келай... — Маҳбуба шафтоли гулли чойнакни кўтариб, ташқарига чиқа бошлаган эди, Саттор ҳам ўрнидан турди. Аммо иккала қиз унга жавоб беришмади. Саттор Ҳалима билан якка қолгач, индамай ўтиравериш ўзига жуда ноқулай туюлди:

— Қаердансиз!

— Қаерликка ўхшайман!

Саттор кулиб елкасини қисди.

— Шунчалик одам танимайсизми! Маҳбу-чи! У қаерликка ўхшайди!

— Чиноздан шекилли!

— Э, ҳа, сизгаям етибди-да! Йигитларнинг ичида ғап ётмайди ўзи. Мен ҳам ўша райондаман, лекин бошқа қишлоқдан. Узингиз қаердансиз!

— Бўстонликдан.

— Ҳа-а... лекин ўхшамайсиз..

Шу ерда гап бўлинди: чой кўтариб Маҳбуба кириб келди.

— Сен йўғингда биз Саттор ака билан таништиб олдик...

Саттор «ҳа» деб бош қрғади.

— Маҳбу, бугун кечқурун бир кинога борсак-чи-а!— деди Ҳалима ва яна шўх кўзларн билан Сатторга тикилди.

Саттор кулимсираганча ўрнидан турди ва «хўп, майли» деб хонадан чиқди. У ўз эшикларини очаётганда икки қиз бирдан қаҳқаҳа отиб кулиб юборишди-ю, ўша заҳоти, ҳойнаҳой, кафтларини оғизларига босиб жим бўлиб қолишди...

Саттор рўпарадаги магазиндан бешта тешиккулча, ярим кило қант олиб, ётоқхонага қайтаётган эди, иккинчи қават зинасидан ғовур-ғувур эшитилди. Гапиргапларнинг бири Маҳбуба эди. Саттор шошилмай зинадан кўтарила бошлади. Қараса: Маҳбубанинг ҳамроҳи — келишган, барваста бир йигит; қўлида сумка, оқ жужунчадан шим-кўйлак кийган, сочлари қоп-қора, жингалак, юзларн, лабларн худди рассом чизгандек бежирим, хнёл қотмалигги ҳам ўзига ярашган, оёғида қоп-қора, ҳозиргина мойланган учли туфли. У зинадан пастга олдинроқ тушиб, Маҳбубаларни кутиб турди. Ҳалима шошa-пишa етиб келгач, Маҳбуба икковн нотаниш йигит ҳузурига боришди. Саттор ўзидан-ўзи қисиниб, уларни четлаб ўтди. Маҳбуба кўрдими-йўқми унн, лекин Саттор унинг йигитга қўл бериб, «Фарҳод ака, тоғамга салом айтинг» деганини аниқ эшитди. Саттор-нинг кўксини бирдан қандайдир хижиллик босди. «Ким у!» Қўлидаги тешиккулчаларини улоқтириб юборгиси келди... Хонага шалвираганча кирди-ю, дераза томонга ўгирилиб, пишиллаб ухлаб ётган Ҳакимжонни кўргач, ҳавасн келди.

«Узинн тута биладн!» «Ҳакимжончи, Ҳакимжон» десалар ҳам бironта гапларини юрагига яқин олмайди, ўзига маҳкам... Мен бўлсам... бор-йўғи кўчада урилиб кетибман-да... Шунга ҳам... эҳтимол, кўнглида зиғирча ҳам фикрн йўқдир... Бояги йиғит...

Саттор уҳ тортди ва кароватига чўзилди. Ҳеч нарсага қўли бормай қолди. Бу орада Ҳакимжон ҳам уйғониб, кароватнинг сим тўрини халтадай эзиб анча вақт уйқусираб ўтирди ва охирн эснаб-эснаб ювинганн чиқиб кетди. Саттор дарс тайёрлашга киришди. Билганларн ва эсидан чиққанларн аста-секин миясида равшанлашиб, бироз кўнгли енгил тортди. Уч-тўрт кундан бери ялқовлик қилиб юрганига энди ўзи ажабланди. Аввал ўқиш! Ўқиш! Барат ака ҳам айтди-ку, ахир, шундай деб! Институтга кириб олса бас! Аммо ким у!! Ташқарида Маҳбубанинг овозн эшитилдими!.. Кейин Ҳакимжон гапирди. Ҳа, ана, яна Маҳбубанинг овозн, ана у куляпти! Орага Ҳалима қўшилди нимадир деб...

Сатторнинг фикри яна остин-устун бўлиб кетди. У ҳам ташқарига чиққиси келди, лекин ботинмади. Маҳбубанинг «киринг, Ҳакимжон ака, киринглар» деганини эшитди. Кейин эшик ёпилди. Саттор ҳеч нарса сезмагандай кароватига бориб ўтирди. Юраги уриб Ҳакимжоннинг кирганини кута бошлади. Аммо у кирмади. Орадан беш минутча ўтди. «Демак Ҳакимжон яна ўша ерда...» Ҳозирги ўқитувчилари миясидан ўчиб, бошини бўшлиқ эгалладн. Юраги сиқилиб, ҳеч нарса ёқмай қолди бирдан...

Шу пайт Ҳакимжон кириб келиб:

— Қизлар «кинога борайлик» дейишяпти. Бормаймизми, Сатторжон! Вақт қалай!—деди-да ғижимланиб ётган ўрнини тартибга келтира бошладн.

Сатторга алам қилди: «демак, унга ҳам айтишибди...» Бунақанги сирлар фақат ўзига айтилишини истаганидаи:

— Таклиф қилишса— боринг! —деди тўнғлик билан.

— Сизгаям айтишибди-ю! Узимиз боргимиз йўқ дейишяпти. Юринг, калланн бир бўшатиб келайлик. — Ҳакимжон Сатторга самимий тикилди. — Йўқ дейиш ноқулай.

Саттор «бороломайман» деди. Ҳакимжон «билганингиз» дея жавоб қилди-ю, апил-тапил кийинди-да, қандайдир бир куйни димоғида минғиллаганча, эшикни қарс этиб ёпиб чиқиб кетди. Сатторни худди бироз бир тепгандай бўлди... Ташқари яна жимиб қолди. Сатторнинг кўз ўнгига боягн олифта йигит келди. «Ким у!» Яна Маҳбубаларни ўйлади. «Кўнгли учун Сатторни бир оғиз юринг ҳам дейишмади-я!» Саттор хомуланиб, эшикни очди. Худди шу аснода Маҳбубаларнинг хонасида кулги янгради. Саттор негадир бирдан ўзгариб, ўзини енгил ҳис этди. Дарров эшикни беркитди. Орадан беш-олти минут ўтгач, қизлар кулги билан, қаттиқ-қаттиқ гапириб, ташқарига чиқишди-да эшикни қулфлай бошлашди. Кимдир яна пиқирлаб кулди. Жимжитлик. Кейин эшик тақирлади ва секин очилди. Ҳалима бош суқиб қаради-да, «Саттор ака, юрмайсизми!» деди кулиб.

— Маҳбу сўраяпти, — дея қўшимча қилди у. — Қўрқлаб келармишсиз унн. Кўчада биттаяримтаси турибб юбормаслиғи учун...

— Бир гапни чўзаверишэканда-а! — деди Саттор жизғаклигини тутиб. — Қўйинглар энди!

— Бормайсизми! Узингиздан кўринг! Қоровулимиз бор, Ҳакимжон бояқдан бери пастда кутиб турибдиI — Эшик қарс этиб ёпилди; пошна овозлари узоқлашиб кетди...

Саттор ўтириб-ўтириб, аламидан бирдан қишлоққа отлана бошлади. Қизлар кейин «ўш, нега кинони истамадингиз» деб сўрашса ҳам, қишлоққа тез чиқиб келишим зарур эди, деган баҳонани қиладн... У темир йўл станцнясига етиб борганда жизғаклари эсига тушди-ю, қандолат дўкончаларини излаб қолди. Аксига ҳаммаси берк экан. Бозаи биносига кириб, билет олиб чиқди. Ҳали яна ярим соатча бор; «бирон-бир танишимни учратармикинман» деган умидда перрон орқали у ёқ-бу ёққа юра бошлади. Бу гал ҳам ҳеч ким кўринмади... Перрониинг юқорисидаги тахта омборида иш қизғин экан; кеч кирғаётганн учун қўёш нури омборни худди кафтдагидек «кўрсатиб» турар, Саттор кун тиғига орқа ўгирганча, чумолидек зув-зув ишлаётган одамларни томоша қила бошлади. Қизиқ! Улардан бирини танигандай бўлди, қаттиқ тикилиб қолди. Яқинроқ бориб, шундоқ тахта девор тагидан қарагач, қўлига брезент қўлқоп кийганча пакана бир ишчи билан тахта ташиётган новча йигит Ражаббойлигини аниқ кўрди. Наҳотки, ўша! Бу ерда нима қилиб юрибди!.. Ҳа, ўша. Ана, узун бир тахтани вагондан суғуриб олиб, шеригн билан кўтариб кетди-да, баланд уюмга авайлаб тахлашдн; орқага қайтаётганда бенхтиёр Сатторга қараб келаверди. Саттор унга қўл силкиди. Аммо Ражаббой ҳам, ёнидаги шеригн ҳам кафтларини кўзларига соябон қилиб келишаркан, кўзларига кун тушаётгани учун уннинг ишораснни пайқашмади. Айниқса, улар вагонникинг беригн четига етганларида Саттор Ражаббойни яқиндан кўрди: ўша! Терлаганидан баттар қорайиб кетган. Ражаббой ҳам Сатторга бир-икки тикилиб қарагандай бўлди-ю, аммо гапдан бўшамади. Шеригн икковларн оғир бир тахтани вагондан чиқариб олишди-да, Ражаббой орқада кўтариб бораётиб, бирдан Сатторни кўриб қолди ва унга қараб илжайди. Бошини қимирлатиб «ҳозир, ҳозир» дегандай ишора қилди-ю, яна орқасига ўгирилган эди — мункиб кетай дедм. Тахтани ташлаб, шеригига нимаиндир уқдирди ва брезент қўлқопини ечаркан, Сатторга томон юрди. Шеригн тахта уюми четига омонатгина ўтқирб, папирос тутатди. Ражаббой илжайганча Сатторга яқинлашди-да, «ҳа, уйга кетяпсизми» деб сўради ва қўл олишиб кўришди.

Сатторнинг ҳамон ҳайратланиб турганини сезган Ражаббой елкасига қўлини қўйди-да:

— Сиз нима деб ўйлагандингиз! — деди дўстона кўз қисиб қуларкан. — Шаҳарда яшаш осонми! Мен ўзимни ўзим боқаман, жўра. Отам ҳам, онам ҳам қарн. Ака-укаларим ўзидан ортмайди. Ота-онамга юбориб турамаи ҳар ойда озроқдан. Поезд қачон келади, кечикмаяпсизми!..

— Ярим соат бор ҳали...

— Уйингиздагиларга биздан салом айтинг, — Ражаббой кутилмаганда изга бурилди-ю, шерикларининг олдига кетди. Вақт энг бўлса керак...

Саттор маъюсланиб, негадир тоғаси, кеннойиси, ҳарқалай улар қариндош, жигар экан, мана неча йилларда бери унн ўз болаларидек ювиб-тараб, қорнини тўйғазиб келишаётганн, ҳозир эса ўқишга юборнб қўйишганини ўйлаб кетди; баъзан ўзининг жиртакн одатларн билан тоғасининг кўнглини қолдирганларини хотирлаб, ўзидан-ўзи афсусланди...

Редактор Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

3 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ
18 ИЮНЬ, 1985 й.



Китоб жавонингизга

Маҳмуд ҲАСАНИЙ (Ҳасанов) — В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетининг Шарқ факультетини битирган. Ҳозир Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтида илмий ходим бўлиб ишламоқда. У форс, араб ва турк тилларини билади. 1982 йилда «Ҳакимлар ҳикояти» номли китоби чиққан. Бу йил ана шу китобининг тўлдирилган иккинчи нашри ва Ғафур Ғулом номли адабиёт ва санъат нашриёти томонидан «Нодир ҳикоятлар» номли китоби босмадан чиқди. Унинг илмий мақолалари, шеър ва ҳикоялари тўпламларда, журнал ва газета саҳифаларида босилиб турадн. У «Тошкент оқшоми»нинг актив муаллифларидан бирндир.

«Ҳакимлар ҳикояти»—хазина

Инсоннинг бебаҳо бойлиги— сиҳат-саломатлигини сақлаш, узоқ умр кўриш, турли-туман хасталикларни даволаш муаммоси жуда қадимдан одамларнинг диққат-эътиборини ўзига тортиб келган. Шу маънода тиббиёт илми узоқ замонлардан бери давом этиб, ўзининг катта тарихини яратган, табобат тарихини эса, инсоният тарихи, деб бежиз айтмайдилар. Қадимги Шарқда асримиздан икки минг йил илгари юзлаб касалликларни билганлари ҳақидаги ёзма ёдгорликлар, қулдорлик жамияти даврида Гиппократ, Гален ва феодализм даврида Абу Бакр Розий, Абу Али ибн Сино каби алломалар тиббиётга доир яратган асарлар медицина тарихига асос бўлди.

Даврлар ўтиши билан табобатнинг янги-янги машҳур олимлари етишиб, тиббиётнинг ривожланишига катта ҳисса қўшиб келдилар. XIV—XVIII асрларда яшаб ўтган Шаҳобиддин ибн Абдулкарим, Юсуф ибн Муҳаммад, Ҳаким Давоий ал-Гилоний ва Сайид Муҳаммад Ҳасрат каби моҳир табиблар касалликларни даволаш тадбирлари ҳақида ажойиб асарлар яратдилар. Шарқшунос олим Маҳмуд Ҳасаний ана шу мўътабар алломаларнинг ижодидан намуналарни форсчадан таржима қилиб, чиройли гулдаста каби «Ҳакимлар ҳикояти» сарлавҳасида кенг китобхонлар оммасига тақдим этди.

Тўрт буюк ҳаким асарларида турли касалликлар, шифобахш ўсимликлар ва доривор моддаларнинг қайси дардга даво экани ҳақидаги фикр-тажрибалари назмда, шеърий услубда содда ва равон ифодалаб берилади. Қадимда илмий асарларни шеърда ёзиш одат бўлганки, бунда асар мазмунини шеърда осон эсда сақлаб қолиш назарда тутилган.

Моҳир табиб, шоир ва ҳаттот Шаҳобиддин ибн Абдулкарим ўзининг «Шифо ал-мараз» («Касалликларнинг давоси») асарини содда шеърий услубда ёзган. У турли касалликларни ўрганиб, кўпгина дориларни ўзи яратган, синовдан ўтказган. Шунинг учун ҳам муаллиф ишончи билан дейди:

Озмунча дорини қилмадим баён,
Барчси синалган ва бўлган аён.

Ҳиротлик ажойиб табиб ва шоир Юсуф ибн Муҳаммаднинг «Яхши одамлар учун фойдали нарсалар», «Касалликларнинг ложки», «Тиббий Юсуфий» асарлари қисқа ибораларда равон ва лўнда ёзилганлиги билан ажралиб туради. Китобга табиб Юсуфийнинг яна шу асарларидан намуналар киритилган. Юсуфий семизликни оғир дард деб ҳисоблайди:

Ўта семизликнинг
бўлса иллати,
Айтганимни қилсанг
тугар захмати.
Муносибмас бу дард
учун маншат,
Қадаҳ учун ёзгин
«безорлик хати».

Яна Юсуфий ичкиликнинг зарарини алоҳида таъкидлаб, унинг ёмон оқибатини уқтиради:

Андозадан ортиқ
ичилса агар,
Баданга етади
беҳисоб зарар.
Баданда иситма бўлади
пайдо,
Қалтироқ касалга бўлур
мубтало.

Ҳаким Давоий «Инсонларга фойдалар» асарида Ўрта Осиёда Эрон, Туркия ва Араб мамлакатларида ўсадиган шифобахш гиёҳлар, ов-қатлар, турли қуш ва ҳайвонларнинг қайси бири қандай дардга даво бўлишини аниқ мисолларда баён этади.

Китобга асарлари киритилган тўртинчи табиб — Саййид Муҳаммад Ҳасрат «Туҳфаи Ҳусайни» — («Ҳусайн туҳфаси») асарида содда дориларни тайёрлаш ва қўллаш ҳақида қизиқарли, аниқ-равшан маълумотлар беради.

«Ҳакимлар ҳикояти» китобини ўзбек тилига тайёрлаган Маҳмуд Ҳасаний таржимада буюк табиблар мақсад-ниятларини, уларнинг ёзиш услубини, дори-дармонларни қайси касалга қандай ишлатиш ҳақидаги тажрибаларини равон чиқара олган.

Тўлқин РАСУЛЕВ.

• Наботот— ҳаёт манбаи

ТОҒ СУМБУЛИ

Бу ўсимлик кўп йиллик бўлиб, бўйи икки метрга етади. Илдиз пояси қисқа ва кўпгина майда илдизчалар билан қопланган, ер остига тик жойлашган. Илдизпоядан биринчи йили илдиз олади. Тўпбарглар, иккинчи йилдан бошлаб, поя ўсиб чиқади. Пояси тик ўсувчи цилиндрсимон, майда қиррали, шохланмаган, ичи ковак, юқори қисми туксиз, пастки қисми эса туклар билан қопланган.

Медицинада унинг илдизи ва илдизпояси қўлланилади. Илдиз ва илдизпояси ҳўлли-гида ҳидсиз ва оқиш бўлиб, қуритилгандан сўнг қўнғир рангга айланади. Ёқимли, аччиқроқ мазага эга. Усимликнинг илдиз ва илдизпояси таркибида эфир мойи, борниол, пинен, камфен, азулен, лимонен, терпиниол, алколоидлар, учувчан асослар, гликозид, ошловчи моддалар, сирка, олма, стеарин, пальмитин ва бошқа кислоталар мавжуд. Шунинг учун бўлса керак, бу ўсимлик бир қатор хасталикларни даволашда яхши наф келтиради. Унинг доривор препаратлари асаб системасини тинчлантириш (уйқусизликда, асаб қўзғалиши даврида) ҳамда юрак фаолиятини регуляция қилиш учун қўлланилади. Ошқозон касалликларида ишлатиладиган чойлар таркибига киради.

Фармацевтика саноати унинг илдизини ва илдизпоясини майдаланган ҳолда, яъни тайёр маҳсулотни махсус қутиларда ишлаб чиқаради. Шунингдек, ўсимлик маҳсулотидан (илдизи ва илдизпояси) таблетка ва настойка (спиртдаги эритмаси) тайёрланади.

Бу ўсимлик қадим замонлардан буён ишлатилиб келинаяпти. Ўз даврининг ҳакимлари бу гиёҳ тўғрисида талайгина маълумотлар қолдиришган. Жумладан, XV асрнинг охирларида яшаб ижод қилган ҳаким Юсуф ибн Муҳаммад ат-Табиб ал Харавий моҳир табиб бўлиш билан бирга талантли шоир ҳам эди. Унинг тоғ сумбули борасида ёзиб қолдирган шеъридан бир матла келтиришни жоиз деб ўйладик:

Ошқозонга фойда
тоғнинг сумбули,
Фойдалидур талоқ,
жигар учун ҳам,
Асаб билан юрак
қувват олади,
Оширади кўзнинг
нурини ҳар дам.
Бод ҳайдайди, ични
тўхтатар яна,
Бел оғриғи ундан
доим бўлар кам.

М. МИРЗАШАРИПОВ,
доришунос.

• Ақл-заковат дурдонаси

ОЧИҚ ҲАВОДАГИ МУЗЕЙ

Мана бир неча йилдирки, кўҳна Хоразмнинг Хива шаҳри —очиқ ҳаво остидаги музей шаҳридир. Бу воҳа жаҳонга номи кетган олимлар ватани. Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Огаҳий, Аваз Ўтар сингари қанчадан-қанча аллома-ю-фозиллар ана шу тупроқда камол топганлар.

Хива — музей шаҳар. Бу ажойиб шаҳар билан биринчи бор танишган одам ўзини эртаклардаги афсонавий шаҳарларда юргандек ҳис этади. Унинг бетакрор ҳусни, таровати, ўзига хос меъморий ёдгорликлари, ўзига хос бўлган колорити билан республиканинг бошқа шаҳарларидан фарқ этиб, тарихий-этнографик ёдгорликлари билан қуёш нурида зарҳалланган, тобланган шаҳарлардан бири.

Очиқ ҳаво остидаги давлат заповедниги деб эълон қилинган бу кўҳна шаҳар дунёнинг турли бурчакларидан келиб кўраётган минглаб сайёҳларни ўзига мафтун этади. Хива, Дишанқалъа, Ичанқалъа! Уларнинг ҳар бирининг узундан-узоқ тарихи бор, уларнинг ҳар бири тўғрисида қанчадан-қанча афсоналар тўқилган.

Хива — қадимий ва навқирон шаҳар. Унинг дарвозасидан ичкарига кирсангиз тарихга, ташқарисида эса бугуннинг яратувчиларига таҳсинтасанно ўқийсиз. Кунгирадор девор билан ўраб олинган работдан бамисоли тепадек қад кўтариб турган қўрғон — Ичанқалъадир. Киши кўз ўнгидан ҳеч кетмайдиган манзара. Хоразм халқ меъморчилигининг энг ажойиб ёдгорликлари: мадрасалар, масжидлар, саройлар ва миноралар асосан Ичанқалъададир.

Х асрда ўтган араб сайёҳи завқ билан: «Жаҳонда фаровонлиги жиҳатидан Хоразмдан устун турган вилоят борлигини фараз қилолмайман», деб ёзган эди. Яқин вақтларгача археологларнинг тадқиқот материалларида Хива эрамизнинг биринчи асрларида бунёд қилинган деб таъкидлаб келинар эди. «Известия» газетаси (1985 йил, 10 февраль)да археологларимиз Хива шаҳрида олиб борган текширишлари натижаси эълон қилинди. Унда айтилишича, шаҳарнинг ёши яна ҳам «катта»лиги— 2300—2400 йил эканлиги маълум бўлди.

Кўз ўнгимизда Хиванинг энг қадимий ёдгорликларидан бири — Саид Алоуддин мақбараси. Хива учун характерли меъморлик санъати — ўймакор эшикнинг ғоят нафис ишланганлиги диққатни ўзига жалб этади. Бу ерда икки хона бўлиб, бири зиёратхона ва иккинчиси дахмадир. Ўймакор сопол устунлар, устунлардаги суратларга ўсимлик рангидаги нақшлар берилган гулдасталар. Машҳур академик олимамиз Г. А. Пугаченкова ўзининг рисолаларидан бирида «Саид Алоуддиннинг қабр тоши XVI аср Хоразм мозаикасининг яхши намуналаридандир»,— деб таърифлаган эди.

Кўҳна Арк шаҳар — манзараси шу аркдан қафтдагидек кўриниб туради. Арқнинг турли хизматларга мўлжалланган бинолари — хоналари жуда яхши безатилган: ғоят зўр маҳорат билан ёғочга ўйилган ажойиб нақшлар, сирланган гулдор сопол, ганч ўймакорлигининг барн хоналарни безатишда ишлатилган. Дарҳақиқат, ёғочга ўймакор нақш солишда, гулдор сополларни сирлашда Хива усталарига тенг келадиган усталар бўлмаган.

Ичанқалъанинг ажойиб ёдгорликларидан бири— Маҳмуд Паҳлавон мақбараси бўлиб, бу ерда биз Хива халқ усталари ижодининг ажойиб намуналаридан баҳраманд бўламиз.

Хива шаҳрининг истаган жойидан самога интилган Ислом Хўжа миноресини, унинг жимжимадор қуббали бош қисмини, ҳар хил орнамент безакли шаклдаги кошинлар билан безатилган ва камар каби айланадор мовий-нилий рангдаги кунгирадор, ўзига хос бўлган деталларда акс этган уста мухандисларнинг тиниқ амалий ишлари — халқ ижодиётининг ўзига хос бўлган намуналари акс этганини кўрамиз. Бундан Кўкминор номи билан машҳур бўлган (68 метр) мураккаб орнамент ва нилий ранглардан ташқари, Ичанқалъадаги минора ҳам, XI асрда қурилган Жума масжиди минораси ҳам, Қутли-Мурод-Иноқ мадрасаси ва майдони ҳам, Тошҳовли сарой комплекси ҳам ўзининг бой меъморий бадиий юксакликлари билан ўтмиш тарихидан гувоҳлик берувчи ажойиб маданий ёдгорликлардир.

Хуллас, Хива архитектураси ўзига хосдир. Хивадаги ёғоч ўймакорлиги, тоштарошлик, ганчкорлик, ранг-баранг наққошлик, сиркор сопол безаклар халқ ижодиёти санъатининг ноёб коллекцияси деса бўлади. Архитектура ансамбларини, комплексларини ва алоҳида иншоотларни бутунлигича сақлашнинг тарихий, маданий ва бадиий аҳамияти ғоят муҳимдир.

Билол АМИНОВ,
тарих фанлари кандидати.

ЧИРОҚ ИШДА, ДАМ ОЛИШДА, БАЙРАМДА ЯХШИ КАЙФИЯТ ЯРАТАДИ



СТОЛ ЛАМПАСИНИНГ ТЎҒРИ ИЎНАЛ-ТИРИЛГАН МАЙИН НУРИ АТРОФИНГИЗ-ДАГИ БАРЧА ҚОРОНҒУЛИКНИ СЕЗДИР-МАСДАН, ФАҚАТ ДИҚҚАТ-ЭЪТИБОРИН-ГИЗНИ ИШГА СОЗЛАЙДИ.

Кўп лампали қандиллар байрам руҳини таратади ва кайфиятни кўтаради. Хонадонимизда тантанали маросимлар бўлаётганда биз меҳмонлар кутиладиган хонадаги катта қандиллари ёқиб юборамиз.

МУТОАЛА ҚИЛИШ, ДИЛДАН СУҲБАТ-ЛАШИШ УЧУН ТОРШЕР НУРИ ЖУДА ҚЎЛ КЕЛАДИ.

СИЗ БОШ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНИ ВА «ТАШХОЗТОРГ»НИНГ 5-«ТЕХНИКА ТУРМУШДА» МАГАЗИНИГА МАРҲАМАТ ҚИЛСАНГИЗ ҚВАРТИРАНГИЗГА МОС КЕЛАДИ-ГАН ҚАНДИЛЛАР, БРАЛАР, ТОР-ШЕРЛАР ВА БОШҚА ЧИРОҚЛАРНИ

СОТИБ ОЛАСИЗ

«ТАШХОЗТОРГ» (телефон 91-59-43).

«ЮБИЛЕЙНИЙ» МАКТАБ-МАГАЗИНИ



ОЗИҚ-ОВҚАТ МОЛЛАРИНИНГ КИЧИК СОТУВЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАЙДИГАН

6-ОЙЛИҚ КУРСЛАРГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

МАКТАБ-МАГАЗИНГА 15 ЁШДАН 25 ЁШГАЧА БЎЛГАН, 8-10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ, ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ПРОПИСКАСИ БЎЛГАН ҚИЗЛАР КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Ўқувчиларга ойига 52 сўмдан 63 сўмгача стипендия тўланади.

ЎҚИШ ВАҚТИ УМУМИЙ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Мактаб-магазини битирувчиларига озиқ-овқат молларининг кичик сотувчиси ихтисослиги берилади.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак бўлади: ўрта маълумоти тўғрисида аттестат ёки 8 синфни тугатганлиги тўғрисида гувоҳнома, паспорт ёки туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома, меҳнат дафтарчаси (агарда бор бўлса), 3 дона фотосурат.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАРНИНГ ТЎЛИШИГА ҚАРАБ БОШЛАНАДИ.

Маълумотларни олиш учун қуйидаги адресга мурожаат этилсин: Тошкент шаҳри, Спутник массиви, 7-квартал, 13-уй, кадрлар бўлими. Телефон 58-99-74.

СЕРГЕЛИ РАЙПИШЧЕТОРГИ.

СПОРТ ВА ДАМ ОЛИШ УЧУН

19-23 ИЮНЬ КУНЛАРИ

«УЗБЕКИСТОН» фирма савдо бирлашмасининг

4-МАГАЗИНИДА

ФАРҒОНА ПОЙАФЗАЛ ФАБРИКАСИДА ТАЙЁРЛАНГАН СПОРТ ПОЙАФЗАЛЛАРИНИНГ

АЙНИ ПАЙТДА

«УЗБЕКИСТОН» фирма- савдо бирлашмасининг

2-МАГАЗИНИДА

ТРИКОТАЖ ВА ЧАРМ-ГАЛАНТЕРЕЯ БУЮМЛАРИНИНГ

САВДО-КЎРГАЗМАСИ ЎТКАЗИЛАДИ

Бу САВДО-КЎРГАЗМАЛАРДА САМАРҚАНД ТРИКОТАЖ ФАБРИКАСИНИНГ СПОРТ КОСТЮМЛАРИ ВА ТОШКЕНТ ЧАРМ-ГАЛАНТЕРЕЯ ВА СПОРТ МОЛЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ЕШЛАР СУМКАЛАРИ НАМОЙИШ ЭТИЛАДИ.

МАГАЗИНЛАР АДРЕСИ:

2— «ТРИКОТАЖ ГАЛАНТЕРЕЯ» —Охунбобоев майдони, Чорсу (8, 18-троллейбуслар; 7, 8, 11, 16-трамвайларнинг «Москва» меҳмонхонаси» бекати);

4— «ПОЙАФЗАЛ»— Октябрь бозори (4, 21-троллейбусларнинг «Калинин номли майдон» бекати).



«УЗБЕКИСТОН» ФИРМА САВДО БИРЛАШМАСИ (телефон 44-26-05).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-27).

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

Тошкент шаҳар ҳунар-техника таълими бошқармасининг

39-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1985—86 ўқув йили учун

қуйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЯРИМ ЎТКАЗГИЧЛИ АСБОБЛАР ВА МИКРОСХЕМАЛАРНИ ЙИҒУВЧИ, ТЕХНОЛОГИК УСКУНАЛАРНИ СОЗЛОВЧИ, ТОКАРЬ-УНИВЕРСАЛ, ФРЕЗЕРЧИ, СОНЛИ ПРОГРАММА БИЛАН БОШҚАРИЛАДИГАН СТАНОКЛАР ОПЕРАТОРИ, СЛЕСАРЬ-АСБОБСОЗ, ЭЛЕКТРОН ТЕХНИКА АСБОБЛАРИ ВА ДЕТАЛЛАРИНИ СИНОВЧИ, РАДИОАППАРАТУРАЛАР ВА АСБОБЛАР МОНТАЖЧИСИ.

Билим юртига 8—10 синф ҳажмида маълумотли Тошкент шаҳрида ва унинг атрофида яшайдиган йигит-қизлар қабул қилинадилар.

Ўрта маълумот билан кирганлар учун ўқиш муддати 8—10 ой. Уларга ҳар ойда 70 сўм миқдорида стипендия тўланади. Билим юртини битирганларидан сўнг эгаллаган касблари бўйича малака берилганлиги тўғрисида диплом берилади.

Ўқишга 8 синф ҳажмида маълумот билан кирганлар учун ўқиш муддати—3 йил. Улар билим юртини битирганларидан сўнг ўрта маълумот ва эгаллаган касби бўйича малака берилганлиги тўғрисида диплом оладилар. Ўқиш даврида ҳар куни 3 маҳал овқат билан таъминланадилар. Ишлаб чиқариш практикаси даврида ишлаб топган меҳнат ҳақларининг 50 процента ўқувчиларга берилади.

Ўқиш даври умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртини имтиёзли диплом билан битирганлар олий ўқув юртларига киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Билим юрти спорт базасига эга.

Бошқа шаҳарликлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: билим юрти директори номига ёзилган ариза, маълумотни тўғрисидаги ҳужжат, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт, 286-формадаги медицина справкаси, турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, 3х4 см. ва 4х5 см. ҳажмдаги 8 дона фотосурат.

8-синф ҳажмида маълумотлилар группасида машғулотлар 1 сентябрда бошланади.

Ўрта маълумотлилар группасида машғулотлар группалар комплектлангандан сўнг бошланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Весна кўчаси, 17-уй (12, 37, 68, 80, 81, 106, 183-автобусларнинг «Узбум» комбинати», 1, 5, 26-трамвайларнинг «Фоменко кўчаси» бекатлари). Телефон 91-14-51.

Қизил байроқли Туркистон ҳарбий округи савдо бошқармасининг

ТОШКЕНТ САВДО-КУЛИНАРИЯ ҲУНАР БИЛИМ ЮРТИ

1985-86 ўқув йили учун

ОШПАЗЛАР, ҚАНДОЛАТЧИЛАР, СОТУВЧИЛАР, ТИКУВЧИЛАР БЎЛИМЛАРИГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЎҚИШ МУДДАТИ: ошпазлар ва қандолатчилар учун — 2 йил; сотувчилар ва тикувчилар учун —1 йил.

ЎҚИШ РУС ТИЛИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

БИЛИМ ЮРТИГА 17 ДАН 20 ЁШГАЧА БЎЛГАН ЎРТА МАЪЛУМОТЛИ ЕШЛАР КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Ўқишга қабул қилинганларга ойига 32 ва 70 сўм стипендия тўланади.

Ўқиш даври меҳнат стажига киради.

Бошқа шаҳарлардан келганларга ётоқхонадан жой берилади. Сотувчиларга ойига 32 сўм стипендия берилади.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш шарт: директор номига ариза, аттестат (асл нусхаси), яшаш жойидан справка, медицина справкаси (286-форма), автобиография, 6 дона фотосурат (3х4 см. ҳажмида), характеристика.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Хўжанд кўчаси, 12-уй (97-автобус; 3, 11-троллейбуслар; 7, 8, 10, 11, 13, 22, 25-трамвайларнинг «Марказий бозор» бекати).

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг

2-ШАҲАР МЕДИЦИНА БИЛИМ ЮРТИ

1985-86 ўқув йили учун

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

КУНДУЗГИ БЎЛИМГА:

УМУМИЙ ПРОФИЛДАГИ МЕДИЦИНА ҲАМШИРАСИ, БОЛАЛАР ПРОФИЛИДАГИ МЕДИЦИНА ҲАМШИРАСИ.

Ўқиш муддати — 1 йилу 10 ой.

КЕЧКИ БЎЛИМГА:

УМУМИЙ ПРОФИЛДАГИ МЕДИЦИНА ҲАМШИРАСИ.

Ўқиш муддати —2 йилу 3 ой.

Кундузги бўлимга 30 ёшгача бўлган ўрта маълумотлилар қабул қилинади.

ҲУЖЖАТЛАР 15 АВГУСТГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Кириш имтиҳонлари 1—21 август кунлари ўтказилади.

Кечки бўлимга кирувчиларнинг ёши чекланмайди.

КЕЧКИ БЎЛИМГА ҲУЖЖАТЛАР 16 СЕНТЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Кирувчилар: ХИМИЯ (оғзаки), ОНА ТИЛИ ВА АДАБИЁТ (ёзма) **дан кириш имтиҳони топширадилар.**

МАШҒУЛОТЛАР — ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: билим юрти директори номига ёзилган ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, 086/У формадаги медицина справкаси, 3х4 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат, турар-жойидан справка, меҳнат дафтарчасидан кўчирма (агар бўлса).

ПАСПОРТ ШАХСАН КЎРСАТИЛАДИ.

Мурожаат учун адрес: 700096, Тошкент шаҳри, 96-алоқа бўлими, Чилонзор райони, Муқимий кўчаси, 12-уй (34, 70-автобуслар, 6, 12-троллейбуслар, 4, 9, 11-трамвайларнинг «Спорт товарлари» магазини» бекати).

ТОШКЕНТ ШАҲАР ЎҚУВ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОМБИНАТИ ВА «ТАШГОРОБУВЬРЕМБИТ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

қуйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Шахсий буюртмалар бўйича оёқ кийимлари тикувчи пойафзалчи.

Ўқиш муддати — 8 ой; оёқ кийимларини ремонт қилувчи пойафзалчи.

Ўқиш муддати —4 ой.
Стипендия — 30 сўм.

Ўқишга Тошкент шаҳрида пропискада турувчи 16 дан 30 ёшгача бўлган кишилар қабул қилинади.

Ўқиш даври меҳнат стажига киради.

Машғулотлар группаларнинг комплектлашувига қараб бошланади.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: директор номига ариза, автобиография, туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти ҳақидаги гувоҳнома, яшаш жойидан справка, медицина справкаси (286-форма), ота-онасининг иш жойидан справка, 3 дона фотосурат (3х4 см. ҳажмида). мактаб ёки иш жойидан характеристика.

Қуйидаги адресларга мурожаат қилинсин: 700053, Тошкент шаҳри, Киров райони, 1-Мингўрик кўчаси, 9-уй. Ўқув комбинати (2, 16-трамвайларнинг, 19, 156-автобусларнинг «Узбексельмаш» бекати). Телефон 35-25-64.

Тошкент шаҳар, Фрунзе райони, Баранов кўчаси, 54-уй. «Ташгоробувьрембит» ишлаб чиқариш бирлашмаси (9, 11, 24, 28-трамвайларнинг «Россия» меҳмонхонаси» бекати).

Телефонлар: 56-02-83, 56-06-66.

ТОШКЕНТ ТРАМВАЙ-ТРОЛЛЕЙБУС ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БОШҚАРМАСИНИНГ

ЎҚУВ КОМБИНАТИ

Трамвай ва троллейбусларнинг ҳайдовчиларини тайёрлайдиган

КУРСЛАРГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЎҚИШ МУДДАТИ — 5-6 ОЙ.

Ҳар ойда 70 сўмдан стипендия берилади.

ЕЛҒИЗ КИШИЛАРГА ЕТОҚХОНА БЕРИЛАДИ.

Улар шаҳар электр транспортидан бепул фойдаланадилар.

МАЪЛУМОТЛАР ОЛИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ АДРЕСГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:

ЎҚУВ КОМБИНАТИ — Тошкент шаҳри, «Новий путь» кўчаси, 180-«а» уй (1, 2, 10-трамвайлар; 25, 40, 61, 161-автобуслар билан борилади);

1-ТРАМВАЙ ДЕПОСИ — Тошкент шаҳри, Гайдар кўчаси, 68-уй (1-трамвай ва 61, 161-автобуслар билан борилади);

2-ТРАМВАЙ ДЕПОСИ — Тошкент шаҳри, Ҳамза кўчаси, 1-уй (7, 8, 11-трамвайлар ва 1, 8, 18-троллейбуслар билан борилади);

1-ТРОЛЛЕЙБУС ДЕПОСИ — Тошкент шаҳри, Т. Шевченко кўчаси, 28-уй (1, 5, 13, 28-трамвайлар; 1, 3, 8, 13, 16-троллейбуслар ва 2, 3, 25-автобуслар билан борилади);

2-ТРОЛЛЕЙБУС ДЕПОСИ — Тошкент шаҳри, Пионер кўчаси, 4-уй (4, 9-трамвайлар; 2, 6, 11, 13-троллейбуслар билан борилади).

ТВ

сешанба

18 ИЮНЬ

● МТ I

18.30 Тарих саҳифалари. «Кураш иттифоқи».
19.10 «Музейдаги ҳодисалар». Мультфильм.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 И. Гусельников чалади
19.50 «Буюк бурилиш». Бадиий фильм.
21.30 «Время».
22.05 «Балет ҳақида». П. Чайковскийнинг балет театри.
23.15 «Петро — Петербой». Телефильм.
23.35 «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.45 «Музикали киоск».
19,15 «Эркаклар, эркаклар...» Смоленск область Починков район «Заря» колхозидаги ички-лик ичмайдиганлар жамияти ҳақида.
19.45 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Ҳамдўстлик». Тележурнал.
21.15 Халқ куйлари.
21.30 «Время».
22.05 «Бир ёз тарихи». Уч серияли телевизион бадиий фильм. I-серия.
23.15 Л. Курдюмова куйлайди.

● ЎзТВ I

17.55 «Абитуриент-85». Беруний номли Тошкент политехника институти.
18.25 «Иқтисодий эксперимент нимага ўргатади» (рус.).
19.05 «Хушёрлик — ҳаёт нормаси».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Бир асар тарихи». Зулфия. «Уни Фарҳод дер эдилар».
20.20 «Бу ажойиб Қрим». Манзарали фильм.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Санъат усталари». СССР халқ артисти С. Қобулова ва Ўзбекистон ССР халқ артисти Э. Йўлдошев куйлайди.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Пахтакорларнинг шу кунги муҳим вазифалари».
22.25 «Қилич ва қалқон». Бадиий фильм. 2-серия— «Яшаш шарт».
23.45 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 «Абитуриент-85». Ишхо қандай ёзилади.
18.40 «Участковой». Телефильм.
18.50 «Шаҳримиз озодалиги ва гўзаллиги учун».
19.20 «Классик куй саҳифалари».
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.25 «Тренерлар». Телевизион ҳужжатли фильм.
20.45 Телевизион театр. Ойбек. «Қизлар».

чоршанба

19 ИЮНЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Саёҳатчилар клуби».
10.35 «Буюк бурилиш». Бадиий фильм.
12.15 «Делегатская кўчасидаги музей, «Новгород диёри бўёқлари».
12.40 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Фан ва меҳнат иттифоқи». Ҳужжатли фильмлар: «Аниклик тўсиғи олдида», «Қўлингни бер, ўртоқ компьютер», «Клей нимага қодир...»
16.10 Тюмень бадиий коллективларининг концерти.
16.35 Рус адабиётида ватанпарварлик манбалари.
17.35 А. Глазунов. 4-симфония.
18.15 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
19.00 Алкоголизмнинг зарари ҳақида илмий-оммабоп фильмлар.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Бу йўлларни биз асло унутмаймиз». С. Островой поэзияси.
19.55 «Сирли қутича». Мультфильм.
20.05 «Агар соғлом бўлай десанг». «Юракнинг жисмоний тарбияси». 2-кўрсатув.
20.20 И. С. Тургенев. «Ва менинг образим сенга намоён...» Фильм-концерт. СССР халқ артистлари Е. Образцова ва А. Попов иштирок этади.
21.30 «Время».
22.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Нефтчи» — «Динамо» (Киев). 2-тайм. Бокудан олиб кўрсатилади. «Днепр» — «Зенит». 2-тайм. Днепропетровскдан олиб кўрсатилади.
23.45 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Бир ёз хроникаси». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия.
10.25 «Горничлар, қаердасиз!»
10.55 «Мактаб ўқувчиларига — анатомия ва гигиена ҳақида». Қон жумбоқлари.
11.25 Мультфильмлар: «Мис тоғ бекаси», «Малахит қутичаси».
12.10 Рига район Маданият уйи «Ритеннтис» халқ рақс ансамблининг концерти.
12.30 «Оила ва мактаб». Тележурнал.
13.00 «Анискин ва Фантомас». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
14.05 Немис тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
14.35 БОШҚИРДИСТОН ТЕЛЕСТУДИЯСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.
16.05 Янгиликлар.
18.30 Янгиликлар.
18.50 «Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик».
19.20 М. В. Ломоносов номидаги МДУ фортепьяно классси халқ коллективи қатнашчилари ижро этади.
19.35 «Ғалабага бир йил қолганда». Телефильм премьераси.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». «Кўрсичқон-рассом». Мультфильм.
20.50 «Вахта». Ала-Тоонинг Кунгей тизма тоғларидаги «Восточная» станциясининг ходимлари ҳақида.
21.05 «Африка оҳанглари».
21.30 «Время».
22.00 «Бир ёз хроникаси». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия.
23.10 РСФСР халқ артисти А. Тихонов чалади (балалайка).

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 «Оқ бўталоқ». Мультфильм.
10.40 Болалар учун концерт (такрорий).
11.10 «Тимур ва унинг командаси». Телевизион бадиий фильм. 2-серия (рус.).
12.15 «Тайга паррандалари». Телефильм.
12.30 Янгиликлар.
18.00 Янгиликлар.
18.15 «Чирилдоқ». Мультфильм.
18.25 «Инсон болаликдан бошланади».
18.55 «Сизга қандай хизмат кўрсатишяпти?» «Поезддаги бир неча интервью» (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Опера театри солистлари». Кўрсатувни ЎзССР халқ артисти А. Азимов олиб боради. ЎзССР да хизмат кўрсатган артист Т. Ҳусанов ва Г. Зокирова иштирок этади.
20.30 «Ахборот».
20.50 М. Карим. «Ой тутилган тунда». А. Островский номидаги Тошкент театр ва рассомлик санъати институтининг спектакли.
21.30 Москва. «Время».
22.00 М. Карим. «Ой тутилган тунда». А. Островский номидаги Тошкент театр ва рассомлик санъати институтининг спектакли (давоми).
23.30 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.

● ЎзТВ II

18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 «Абитуриент-85». Биология.
18.40 «Оператта шинавандалари учун».
19.20 «Фан-техника тараққиёти — халқ хўжалигига».
19.50 «Оқ йўл». Телефильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.25 «Совет киноси усталари». СССР халқ артисти Г. Юматов.
21.15 «Синегорье — Ватаним менинг». Телефильм.

КИНО

18 ИЮНДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«БИР-БИРИМИЗ УЧУН ЯРАТИЛГАНМИЗ» — **Санъат саройи** (катта зал, 18.30, 20.45, кичик зал, 17, 19.30; телефон 44-21-44), **Чайка** (18.30, 20-45; телефон 33-05-01), **Фестиваль** (22.00, телефон 32-78-02), **Нукус** (18.30, 20.45; телефон 46-70-69), **Ватан** (18.30, 21.00).

«ТАЛВАСА» (2 сериали) — **Қозоғистон** (17, 18.20, 21.00; телефон 35-24-92), **Тинчлик** (18.30, 21.00; телефон 58-36-02), **Лисунов номли** (17, 20.00; телефон 96-34-02), **Искра** (18, 21.00; телефон 39-14-59), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (18, 21.00; телефон 78-47-25).

«ТАШВИШЛИ ТОНГ» — **Хива** (22.00).

«ВАЗИЯТГА ҚАРАБ ИШ ТУТ» — **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда).

«ГАРОВДАГИ КИШИ» — **Ғафур Ғулом номли** (17, 20.00).

«ДАЛА ҚЎРИҚЧИСИ» (2 сериали) — **С. Раҳимов номли** (18.30, 21.00; телефон 48-46-71).

«ЎЗГА САЙЁРАЛИ АЁЛ» **К. Ерматов номли** (жуфт ва тоқ соатларда: телефон 24-22-66).

«КЕЛИНЛАР ҚЎЗҒОЛОНИ» (ўзбек тилида) — **М. Шайхзода номли** (17, 19, 20.45; телефон 42-39-71), **Ҳамза номли** (17.30, 21-00; телефон 91-10-51).

«ҚАЙСАРНИНГ БЎЙСУНДИРИЛИШИ» — **Дружба** (жуфт ва тоқ соатларда; телефон 66-15-75).

4 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

18 ИЮНЬ, 1985 й.



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»)

—орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и Ташгорсовета.

(Газета бир йилда 300 марта чиқади).

БИЗНИНГ АДРЕС:
700047, ТОШКЕНТ ШАҲРИ,
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 33-08-74; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-55-39; Совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари— 32-55-32; хатлар — 33-29- 70; эълонлар бўлими— 33-81-42.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р— 13824.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.